

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЎРИТИШ
ФАОЛИЯТИ

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

Тошкент – 2018

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Масъул мурарор:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи,
генерал-лейтенант **Б.А. Матлюбов**

Муаллифлар жамоаси:

юридик фанлар доктори **А.С. Турсунов**;
доцент **С.Б. Хужақулов**;
Б.Ф. Алимов, Д.Д. Бобоев, Қ.А. Сайтқулов

Тақризчилаш:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминология кафедраси
бошлиғи юридик фанлар доктори, профессор **Қ.Р. Абдурасулов**;
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош
бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник **Б. Султонов**

П-84 **Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти:**
Маърузалар курси / А.С. Турсунов, Қ.А. Сайтқулов ва бошқ..
Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов.– Т.: Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2018. – 125 б.

Маърузалар курси Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарликка оид қонунлар асосида тайёрланган бўлиб, унда профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятининг мазмун ва моҳияти, ушбу фаолиятни амалга оширишнинг асослари ва тартиби, профилактика инспекторларининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этишдаги иштироки, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назоратига оид масалалар ёритилган.

ИИВ олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, курсантлари, шунингдек, амалиёт ходимларига мўлжалланган.

КБК 67.99(5У)116.3я73

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: «Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқукий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди»¹, – деб бежизга таъкидламаган. Шундай долзарб ва масъулиятли вазифаларни замон талаби даражасида бажариш учун мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотлар *биринчидан*, профилактика инспекторларининг «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб билиш каби мажбуриятини; *иккинчидан*, уларнинг вазифа ва функцияларини аниқ тақсимланиши бўйича амалий чора-тадбирларни; *учинчидан*, халққа яқинлашишни, яъни халқ билан мунтазам мулоқотни таъминлаш, кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, аҳоли олдида мунтазам ҳисбот бериб бориш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвакт олди олинишини таъминлаш, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш каби вазифаларни амалга оширишни; *тўртинчидан*, қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун профилактика инспекторларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришни; *бешинчидан*, профилактика инспекторлари фаолиятининг янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни; *олтинчидан*, моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м. – Б. 26–31.

яратищ, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлашни назарда тутади¹.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, ҳозирда турли соҳалардаги каби ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини ҳам ислоҳ қилиш энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Биз «Адолат – қонун устуворлигига» деган принцип асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун, аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самарадорлиги ва масъулиятини ошириш, уларга муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини қўришимиз даркор.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлигига профилактика инспекторларининг хизмат ва хусусий турар жой, автотранспорт воситалари билан таъминланишига, умуман олганда, уларга муносиб хизмат ва турмуш шароитларини яратишга, шунингдек эл орасида профилактика инспекторларининг обрўсини оширишга жиддий эътибор берилмоқда.

Фикримизнинг исботи сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Одамлар ўзини қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун тўла ишонч билан, аввалимбор, ички ишлар идораларига, профилактика инспекторларига мурожаат қилишига, ҳар бир ходимда ўз химоячисини қўришига эришиш зарур. Шундагина ички ишлар органлари халқ ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонади»², – деган сўзларини

¹ Мирзиёев. Ш.М. Ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг ахволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар // Ички ишлар органлари ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишда сўзлаган нутқи. // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 17.09.2017).

² Мирзиёев. Ш.М. Ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг ахволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар //Ички ишлар органлари ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишда сўзлаган нутқи. // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 17.09.2017).

келтириб ўтиш жоиздир. Президентимизнинг мазкур сўзлари, ҳар бир профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида, қолаверса маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида қатыйи принцип)а айланиш даркор.

Ушбу маърузалар курсининг тайёрланилишида муаллифлар жамоаси томонидан юртимизда суд-хуқуқ тизимида амалга оширила-ётган ислоҳотлар жараёнида қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар инобатга олинган бўлиб, унда профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарликка доир, шунингдек иш юритишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид нормаларни қўллаш, маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, юритиш ва кўриб чиқиш, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишдаги иштироки, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли процессуал хужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ мавзулар кенг ёритилган. Шунингдек, маърузалар курсида профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш фаолиятининг аҳамияти, уни тартибга соловчи ҳуқуқий асослар ҳамда ушбу фаолият устидан прокурор назоратига оид мавзулар ҳам ўз аксини топган.

1-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ КУРСИ. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

Маъруза режаси:

1. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти курсининг предмети, мақсади, вазифаси ва аҳамияти.
2. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

1. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти курсининг предмети, мақсади, вазифаси ва аҳамияти

Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ғайриижтимоий, ҳуқуққа хилоф қилмишлардан ҳимоя қилиш ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг энг муҳим устувор вазифаларидан биридир. Мазкур вазифаларни самарали ташкил этиш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этади.

Хозирги кунда дунё ҳамжамияти томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласига эътибор кучайиб бораётган бир вақтда, инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган кураш жиддий тус олмоқда. Бу ҳолат, айниқса, Ўзбекистонда содир этилган қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш принципи замирида, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда яққол кўзга ташланмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш деганда нафақат жиноятларнинг олдини олиш, балки давлат, жамият ва инсон учун хавф соладиган ҳар қандай ҳолатнинг олдини олиш, содир этилаётган ҳуқуққа хилоф қилмишларга чек қўйиш, айниқса маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш, уларга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш каби маъмурий мажбурлов чораларини қонун ҳужжатлари асосида қўллашни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бугунги кунда айнан профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий

худудда ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, маъмурий ҳуқуқбузарликларни, уларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-салбий омиллар ҳамда сабаб-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ўта муҳим ва мураккаб топширикларни бажаришга ваколатли бўлган органнинг мансабдор шахсларидан биридир. Шунингдек, аниқланган ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан дастлабки маълумотларни тўплаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишида айбдор шахсни, жабрланувчи, гувоҳларни ва ишга алоқадор бўлган бошқа шахсларни аниқлайди, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далил ва ашёларни тўплайди. Профилактика инспектори содир этилган қилмишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатишга асослар етарли деб топган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Шуни таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш борасидаги фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари билан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш билан боғлиқ фаолияти эса маъмурий қонунчилик билан тартибга солинган.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (кейинги ўринларда – МЖтК деб юритилади) мувофиқ профилактика инспекторларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва ўзларига тааллукли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиб, қонуний ҳал қилиш ваколати берилган. Бу эса профилактика инспекторларидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқишида мавжуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидалар ҳақида етарли билим ва кўникумаларга эга бўлишни талаб этади. Айнан шунинг учун ҳам курсантларга «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислиги бўйича ихтисослик фанлари блокига киритилган «Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти» ўқув курсининг ўқитилиши жорий этилган.

«Давлат ва ҳуқук назарияси», «Конституциявий ҳуқук», «Ички ишлар органлари томонидан маъмурий жавобгарликни таъминлаш», «Терговга қадар текширув», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси психологияси», «Ички ишлар органлари профилактик фаолияти» фанлари мазкур ўкув курсини ўқитиш учун назарий замин бўлиб хизмат қиласди. Таъкидлаш жоизки, «Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти» фанининг мақсади, вазифаси, обьекти ва предмети номлари юқорида келтирилган фанларнинг обьекти ва предметлари билан ўхшаш ва боғлиқ бўлса-да, лекин уларнидан фарқ қиласди.

Ҳар бир фан, энг аввало, ўкувчиларга зарур назарий билимларни бериш уларда амалий қўникмаларни ҳосил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши барчамизга маълум. Шунга кўра, «Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти» фани ҳам муайян мақсадга хизмат қиласди. Ушбу фанни ўқитишдан кўзланган асосий **мақсад** – курсантларга маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш ва уни қўриб чиқиш, профилактика инспекторининг бу борадаги ваколатлари, ҳуқук ва мажбуриятлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишида қатнашувчи шахслар ҳамда уларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, маъмурий қонунчилик нормалари ва уларнинг мазмuni кабиларга доир билимларни бериш.

Ушбу мақсадга эришиш учун «Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти» фани бир қатор вазифаларни амалга оширади.

Фанинг асосий вазифаси профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда қўриб чиқиш фаолиятига доир ҳуқуқий билимларни бериш ҳамда маъмурий процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни ўргатиш, шунингдек курсантларнинг бу борадаги илмий дунёқарашни шакллантириш ва амалий қўникма ва малакаларни ҳосил қилишдан иборат.

Бунда фан бўйича курсантларнинг билим, амалий қўникма ва малакаларига бир қатор талаблар қўйилади. **Курсант:**

– профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда қўриб чиқиш фаолиятига доир асосий тушунчалар, вазифалар ҳамда мавжуд ҳуқуқий тартибга оид назарий **билимларга** эга бўлиши;

– профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг нормаларини қўллаш, қонун нормаларига риоя этган ҳолда процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, далиллар тўплаш ҳамда маъмурий процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича амалий **кўникмаларга** эга бўлиши;

– маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, кўриб чиқиш, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни самарали рўёбга чиқариш ҳамда ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив равишда аниқлаб чиқиш, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этиш, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш, қонунийликни мустаҳкамлашга доир **малакаларга** эга бўлиши керак.

Ушбу фан ҳам бошқа ҳуқуқий фанлар каби ўз предметига эга. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш фаолияти маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва бошқа тегишли меъёрлар билан тартибга солинган. Фаннинг предмети ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасининг предметидан фарқ қиласди. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш фаолияти фани предметига маъмурий иш юритишга оид ҳуқуқ тизими ва қонунчиликни ўрганиш ҳам тааллуқлидир.

Фаннинг предметини профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти жараёнида юзага келаётган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни тартибга солувчи қонунлар, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ва у билан боғлиқ муаммолар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга оид нормалар ҳамда уларни қўллаш самарадорлиги, мазкур фаолиятга оид илғор тажрибалар, шунингдек профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритишнинг бугунги ҳолати ҳамда мазкур фаолият устидан назорат ташкил этади.

Бундан ташқари, бугунги кунда профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва

бошқа давлат органлари ҳамда жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолияти ҳам ушбу фаннинг предмети сифатида тадқик этилиши мумкин.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти курсининг **объектига** қуидаги ларни киритиш мумкин:

- профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари;
- профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби;
- профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий-тактик асослари;
- профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида қатнашувчи шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни тааллуқлилиги бўйича юбориш тартиби ва юритиш босқичлари;
- профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг тартиби ва босқичлари;
- профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда далилларни тўплаш ва баҳолаш фаолияти;
- профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари;
- профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, юритиш ва кўриб чиқиш фаолияти;
- профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан парламент, прокурор ва жамоатчилик назорати;
- маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарорларни ижро этишда профилактика инспекторларининг иштироки.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, «Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти» курси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга оид қонунчиликни; маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик, маъмурий иш юритишга оид нормалар-

ни қўллаш самарадорлиги; чет давлатларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ва унга оид қонунлари; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга оид ҳалқаро нормалар; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга оид қонунларни қўллашнинг назарий муаммолари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби ҳамда ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бошқа муаммоларни ўрганишга боғлиқ илмий нуқтаи назар, ғоя, тушунча ва назариялар тизимиdir.

2. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда профилактика инспекторлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиб, янада такомиллашиб бормоқда. Республикаиз мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида минглаб қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилингани баробарида, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳам ҳуқуқий асослари яратилди. Уларда профилактика инспекторлари фаолиятининг энг асосий ва муҳим фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, профилактика инспекторлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича фаолияти бўлиб, уни амалга оширишни белгилаб берувчи ва тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг миқёси, юридик кучи ва уларни қабул қилувчи субъектларнинг ваколат доирасига кўра қўйидагича таснифлаш мумкин:

- а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари (ҳар икки палатаси);
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда қабул қилган буйруқ ва қарорлари;

ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қарорлари¹.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятининг ҳуқуқий орасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида ўрин тутади. Жумладан, Асосий қомусимизнинг қўйидаги моддалари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши жараёнининг бевосита тартибга солинишини таъминлайди ҳамда йўналтирувчи бош қоида ва талаб сифатида намоён бўлади:

- ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (25-м.);
- ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикқа дучор этилиши мумкин эмас;
- ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас (26-м.);
- ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлизлиги ҳуқуқига эга;
- ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорнинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас (27-м.);
- Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши имкониятини яратиб бериши лозим (30-м.);
- ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;
- аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт (35-м.);

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонуни// Халқ сўзи. – 2012. – № 250 (5670); ЎР КХТ, 2012 й., 52-сон, 583-модда.

– давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-м.);

– ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-м.).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги таҳирдаги 2017 йил 11 сентябрь қонуни ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этиб, унда фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи, мурожаатнинг шакллари, турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, мурожаат қилиш муддатлари, уни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, мурожаатларни кўриб чиқишида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари, ҳалқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналари, уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар тўлиқ ифодасини топган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг процесуал тартиби белгиланган Ўзбекистон Республикасининг МЖТКси профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида асосий роль ўйнайди.

МЖТКнинг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги» деб номланувчи XVIII бобининг 248-моддаси иккинчи қисми 4-бандида профилактика инспекторлари 13 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатига эгалиги белгиланган. Шунингдек ушбу кодекснинг тўртинчи бўлими бевосита «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш» деб номланиб, еттита бобни қамраб олган. Маъмурий жазо қўлланаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисида МЖТКнинг 308¹-моддаси талаблари асосида тақдимнома маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга суд органига юборилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Профилактика инспектори «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги (1992 йил 2 июль) қонунининг 7-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги (1991 йил 18 ноябрь) қонунининг 12-моддаси талаблари асосида МЖТКнинг 203¹-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс-

ларга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириб, мазкур кодекснинг 245-моддасига биноан маъмурий ишларни кўриб чиқувчи суд органлариға юборилишини таъминлайди.

Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ходими томонидан МЖтКнинг 113, 114-моддалари, 116-модданинг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари, 121, 130, 144, 145-моддалари, 146-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий баённомалар расмийлаштирадилар ва қонуний қарорлар қабул қилиш учун Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлариға тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонунида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш белгилаб қўйилган. Мазкур қонунда профилактика инспекторлариға маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни ўз вақтида ва холисона кўриб чиқиш мажбурияти ҳамда иш юзасидан бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги назарда тутилган. Масалан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга чиқиш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, ўз ваколати доирасида маъмурий ишларни кўриб чиқиш мажбурияти ҳамда юритувидаги ишлар ва материаллар бўйича фуқароларни, мансабдор шахсларни ички ишлар органлариға чақириши, улардан зарур тушунтиришлар, маълумотлар, хужжатлар, маълумотномаларни ва уларнинг қўчирма нусхаларини олиш ҳукуки ҳам кафолатланган.

Ушбу қонун талабларига асосан профилактика инспекторлари маъмурий қамоқ жазосини ўташдан, маъмурий тарзда чиқариб юборилишдан бўйин товлаётган шахсларни, шунингдек ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш юритилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг МЖтК да назарда тутилган тартибда ушлаб туришлари ҳам мумкин. Шунингдек, профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш мақсадида жисмоний куч ишлатиши ёки маҳсус воситаларни қўллаши ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»га оид (1997 йил 29 август) қарори билан ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-

тадбирларидан бири сифатида ахоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий маданият ва ижтимоий фаолликни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбиясини такомиллаштириш масалалари тартибга солинган¹. Ички ишлар органлари таянч пунктларининг асосий вазифаларидан бири ахолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш эканлиги инобатга олинганида ушбу қарорнинг ҳуқуқий асос сифатидаги аҳамияти яққол намоён бўлади. Зеро, ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш баробарида давлат аҳамиятига молик сиёсатдир. Жамиятда фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг даражаси жиноятчилик ҳолатига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардандир².

Шу нуқтаи назардан қаралганда профилактика инспекторлари, аввало, ўз ҳудудида истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга эътибор қаратиши лозим. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш билан бир қаторда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида ҳам амалга оширилиши лозим. Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида иш юритишида қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, содир этилган қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини тушунтиради ҳамда бунинг учун қонун нормаларига асосан жазонинг муқаррарлиги тўғрисидаги ишонтиришга қаратилган профилактик сухбатни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016 йил 14 сентябрь) қонунида асосий тушунчалар, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари, асосий йўналишлари, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқарувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ушбу соҳага доир бошқа масалалар ҳуқуқий тартибга солинган³. Ички ишлар органларининг таянч пункт-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 227-м.

² Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. – Т., 2017. – Б. 69.

³ Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. – Т., 2016. – № 37. – 426-м.

лари, мазкур қонунга мувофиқ, унинг 5-моддасида белгиланган ёшларга оид давлат сиёсати асосий йўналишларининг деярли барчасини рўёбга чиқаришда иштирок этади, 15-моддага асосан бу борада белгиланган вазифалар ижросини таъминлайди, шунингдек ушбу соҳада 2-бобда кўрсатилган органлар ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласди¹.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016 йил 14 сентябрь) қонунига асосан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади ҳамда қонунларда назарда тутилган қатор имтиёзлардан фойдаланишади. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўрилишида 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига доир ишларда, энг аввало, уларнинг ота-оналари, уларнинг ўрнини босувчи шахслар, васийлик, ҳомийлик органлари, шунингдек бошқа ваколатли органларни хабардор қилиши ҳамда уларнинг иш юритиш жараёнида иштироқини таъминлаши лозим.

Кейинги гурӯҳ ҳуқуқий асосларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар киради. Улар қуидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрель (ПФ-5005) фармони². Фармонда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилаётгани, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмасдан, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқариб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга сабаб бўлаётгани таъкидланган. 2017–

¹ Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. – Т., 2017. – Б. 69.

² URL: <http://www.lex.uz>.

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмиятчилик билан ёндашишларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш назарда тутилган. Фармонда келтирилган ушбу чора-тадбирлар ижрога қаратилиб, бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энди таянч пунктларига маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ёки бошқа мурожаат билан келган ҳар қандай жисмоний шахс мурожаатлари қонунда белгиланган тартибни бузмаган холда қабул қилиниб, ҳал этилмоқда. Айниқса, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ишида қатнашувчи барча шахслар билан, улар ким эканлигидан қатъи назар, хушмуомала бўлишлигига эришилмоқда. Бунинг учун профилактика инспекторларининг ҳуқуқий билими, амалий ишлаш кўникмаларини янада шакллантириш мақсадида касбий тайёргарлиги оширилишига эътибор қаратилмоқда.

Фармонинг 1-иловасига мувофиқ қуидаги устувор йўналишилар назарда тутилган Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиши комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, унга кўра профилактика инспекторларининг фаолияти, хусусан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуидаги ўзгаришилар амалга оширилмоқда:

– профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларнинг бу борадаги функция ва вазифалари мақбуллаштирилмоқда. Хусусан, профилактика инспектори МЖтКнинг 248-моддаси иккинчи қисми 4-бандида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан ваколат доирасида маъмурий баённома расмийлаштириб, унга ҳуқуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти тўғрисидаги маълумотномаси, ҳуқуқбузар, шахснинг тушунтириши, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хulosаси, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материалларни

илова қилиши МЖтКнинг 282-моддасида белгилаб қўйилди ва профилактика инспекторларининг бу борадаги ҳаракатлари қонуний асосга эга бўлди;

– профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти очик ва ошкора, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этилмоқда;

– профилактика инспекторларини тайёрлаш, танлаш ва жойжойига қўйишнинг илғор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш мақсадида ИИВ Академиясида икки ойлик дастур асосида касбий тайёргарлик ташкил этилди;

– профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда. Видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этилаётгани ана шулар жумласидандир;

– ички ишлар идоралари таянч пунктларининг моддий-техник базаси, профилактика инспекторларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уй-жой ва майший шароитлари янада яхшиланмоқда.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилди¹.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 март (ПҚ-2833) қарорида² ҳуқуқбузарликлар, жумладан маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирларнинг идоралараро амалга оширилиши назарда тутилган. Эндиликда қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Ҳуқуқ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м. – 26-31-б.

² URL: <http://www.lex.uz>.

бузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси «Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси» «Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси» ҳамда «Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идораларо комиссияси» фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона орган этиб белгиланди Ҳафтанинг хар пайшанба куни «Хукуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланиб, ушбу кунда хукуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблари ва шарт-шароитлар, айбор шахсларни фош этиш ва жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини мухокама қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 12 апрель (ПҚ-2883) қарорида¹ ИИВнинг фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, конституциявий тузум ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, халқ билан тизимли манзилли муроқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама қўмаклашиш, вояга етмаганлар ва ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан ҳимоя қилишга қаратилган самарали ишларни ташкил этиш, барча даражадаги ички ишлар органлари бўлинмаларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши бўйича, авваламбор, хукуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, тезкор-қидирув ва экспертизмалистика фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлаш, муомалада бўлиши тақиқланган ёки қонун билан чекланган қурол-яроғ, бошқа предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни ташкил этиш, хукуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон

¹ URL: <http://www.lex.uz>.

яратадиган шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш, уларни, шу жумладан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш чоратадбирларини қўриш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик хулқ-авторини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш, ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, шунингдек ходимларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича асосий функционал вазифалари белгилаб берилган. Бундан ташқари, ИИВга маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш, қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорлар бажарилишини ташкил этиш вазифалар юклатилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрель (ПҚ-2896) қарорига¹ асосан «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида»ги Низом тасдиқланган бўлиб, унда профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича ваколатлари ҳамда ўз ваколатларини амалга оширишда қуидаги ҳуқуқлари мустаҳкамланган:

- фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларнинг ёнларида тақиқланган буюм ва воситалар мавжуд деб гумон қилишга асослар бўлган тақдирда, шахсий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг ашёларини кўздан кечириш, ҳуқуқбузарликнинг қуроли ёки бевосита предмети бўлган буюм ва ҳужжатлар топилган тақдирда, қонунчиликда назарда тутилган тартибда уларни олиб қўйиш;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ ўзларига тааллукли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

- ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ва хабарларни ўрнатилган тартибда текшириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга кириш, улардан тегишли маълумотларни сўраш ва олиш;

¹ URL: <http://www.lex.uz>.

- ўз иш юритувларида бўлган иш ва материаллар бўйича ҳолатларни аниқлаш мақсадида зарур тушунтиришлар, маълумотлар ва хужжатларни олиш учун фуқаролар ва мансабдор шахсларни чақириш;
- фуқароларни уларнинг розилиги билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини амалга оширишда қўмаклашишга жалб этиш;
- қонунда кўрсатилган ҳолатлар ва тартибда қурол ва маҳсус воситаларни қўллаш.

Шунингдек, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш борасида қўйидаги мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга дарҳол етиб келиш, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиш, фуқароларнинг хавфсизлигига қаратилган таҳдидларни бартараф этиш, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлашириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси изларининг сақланишини таъминлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жабрланган, шунингдек ночор ахволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёки бошқа турдаги ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши жараёнида ўз хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан унга маълум бўлган фуқароларнинг шахсий ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматига тааллуқли маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслик, хизмат маълумотлари, шунингдек тижорат ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларнинг маҳфийлиги ва сақланишини таъминлаш.

Бундан ташқари, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини тартибга солувчи «Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 майдаги 322-сон қарори муҳим ўрин тутади. Мазкур қарорда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар кўрган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби белгилаган.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда карточкалар ва билдириш-

номалар тўлдиради ҳамда ушбу ваколатли органнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига уларни тақдим этиш чораларини кўради¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2017 йил 7 февраль 60-сонли қарори асосида профилактика инспектори хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни хукуқбузарлик содир этмаслик тўғрисида ёки хукуқбузарлик содир этган шахсни қайта хукуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлган процессуал ҳаракатни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2011 йил 8 июль 202-сон қарорининг 5 ва 9-бандларига ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли пунктларида ит ва мушукларни сақлаш қоидалари»га мувофиқ шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишининг қоидаларини бузиш, мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни тутиш чораларини кўрмаганлик билан боғлиқ хукуқбузарликларни аниқлаб, МЖТКнинг 110-моддаси асосида ҳужжатлар расмийлаштирилади ва қонуний чора кўриш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ёки маъмурий ишларни кўриб чиқувчи суд органларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғи энг асосий норматив-хукуқий ҳужжат бўлиб, унда маъмурий хукуқбузарликларга оид мурожаатларни кўриб чиқишининг процессуал тартиби, яъни маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, маъмурий хукуқбузарликлар қайси муддат ва қайси жойларда кўриб чиқилиши, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, профилактика (катта) инспекторлари томонидан ўз ваколатлари доирасида муайян маъмурий хукуқбузарликларнинг кўриб чиқилиши, шунингдек маъмурий жарима жазосини қўллаш ва ижросини таъминлашга доир вазифалари ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, ушбу буйруқда ахлоққа қарши

¹ URL: <http://www.lex.uz>.

ҳуқуқбузарликлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 189, 189¹, 190, 191-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар киритилган. Айнан ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар бўйича профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳам мазкур буйруқда акс этган. Мазкур буйруқ профилактика (катта) инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини тартибга солиб турувчи асосий қонуности ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта маҳсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2014 йил 4 ноябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 36/18/49/56-сонли қўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Қўшма қарорда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, шунингдек давлат соғлиқни сақлаш тизими ни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида аниқланиши белгиланган.

Бу эса мазкур мурожаатларни ўз вақтида, тўлиқ ва холисона кўриб чиқиши талабини қўяди. Қўшма қарор айнан мазкур талабдан келиб чиқиб, шунингдек «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги қонуни нинг тегишли 17, 18-моддалари талабларини амалда қўллаш тартибини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган¹.

Қўшма қарорда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари, таълим муассасалари ва давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларига муайян ҳолатлар бўйича ички ишлар органларига хабар бериш мажбурияти юкланган. Бундан ташқари, ушбу органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни нималар асосида аниқлаши, аниқланган ҳолатлар бўйича хабар бериш тартиби, усул ва воситалари ҳақидаги масалалар ўрин олган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 20. – 110-м. – Б. 12–19.

Юқоридагилардан қўриниб турибдики, профилактика инспектори-нинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича фаолияти бир қатор қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида комплекс тартибга солинади. Шу боисдан мазкур йўналишдаги фаолиятни белгиловчи ҳуқуқий асосларни ўрганиш жараёнига ҳам комплекс ёндашиш талаб этилади. Акс ҳолда Консти-туциямизда белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш имконияти чекланиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, қадр-қиммати экан-лиги тўғрисидаги тамойил Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай экан, бу конституциявий талабни ҳаётга татбиқ этиш учун жамиятдаги иллатларга қарши комплекс кураш олиб бориш лозим. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг бош мақсадларидан бири инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали муҳофаза этилишини таъминлашдир.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғри-сидаги ишларни юритиш фаолиятида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида келиб тушган мурожаатларни ҳар томонлама, синчковлик билан, пухта ўрганишлари ҳамда ҳуқуқбузар-лик содир этган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлашлари бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги ишларни юритиш фаолияти курсининг предметига нималар киради?
2. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги ишларни юритиш фаолияти курсининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.
3. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги ишларни юритиш фаолияти курси қайси фанлар билан боғлиқ?
4. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги ишларни юритиш фаолиятини тартибга солувчи қонунларни санаб беринг.
5. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги ишларни юритиш фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини санаб беринг.
6. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги ишларни юритиш фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини санаб беринг.

2-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЙОРИТИШ ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК, МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАЗОГА ДОИР НОРМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Маъруза режаси:

1. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарликка доир нормаларни қўллаши.
2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий жазога доир нормаларни қўллаши.

1. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарликка доир нормаларни қўллаши

Профилактика инспектори маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарликка доир нормалар, уларнинг мазмун ва моҳияти түғрисидаги назарий билимларга ҳамда мазкур нормаларни амалда қўллаш кўнималарига эга бўлиши лозим. Ўрганилаётган нормаларга тўхталишдан олдин «хуқуқбузарлик», «маъмурий хуқуқбузарлик», «маъмурий жавобгарлик» каби тушунчаларга аниқлик киритиш зарур. Чунки ҳар бир профилактика инспектори содир этилган қилмишнинг маъмурий ёки жиноий хуқуқбузарлик эканлигини ҳамда содир этилган қилмишга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлай олиши зарур. Олиб борилган кузатишлар ҳамда ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда «хуқуқбузарлик» тушунчасини турлича талқин қилиш учраб турибди. Амалий органларда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларининг аксарияти хуқуқбузарлик деганда, маъмурий хуқуқбузарликни назарда тутишади.

Хуқуқ назариясида эса «Хуқуқбузарлик» деганда жамият учун хавфли бўлган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), бошқа манбаларда жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини тушунилади. Ушбу таърифлардан келиб чиқсан ҳолда хуқуқбузарликлар ижтимоий хавфи ва уни

содир этганлик учун жавобгарлик белгиловчи ҳуқуқ соҳасига асосан: а) фуқаровий; б) интизомий; в) маъмурий; г) жиноий турларга ажратилади.

«Ҳуқуқбузарлик» тушунчасига оид қарашларнинг нималиги ва тушунмовчиликларнинг мавжудлиги ушбу тушунчага аниқлик киритишиңи тақозо этади. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (2014 йил 15 май) қонунининг 3-моддасида «ҳуқуқбузарлик» тушунчасига аниқ таъриф берилган. Унга кўра, ҳуқуқбузарлик деганда содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади¹.

Демак, ҳар қандай қонунга хилоф, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий қонунчиликка асосан «маъмурий ҳуқуқбузарлик» деб, жиноий қонунчиликка асосан деб «Жиноят» деб эътироф этилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарлик маъмурий ёки жиноий бўлмасин, уларнинг содир этилиши натижасида қонун билан қўриқланадиган обьектларга зарар етказилади ва ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига асосан ушбу кодекс билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиidi билан жиноят деб топилади.

Жиноят кодекси билан қўриқланадиган обьектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказилишининг реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасида аниқ таъриф берилган.

Унга кўра, «маъмурий ҳуқуқбузарлик» деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузар-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

лик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Хуқуқшунос олимларнинг тадқиқотларида жиноятни маъмурий хуқуқбузарлиқдан икки турдаги, яъни моддий ва формал белгиларга кўра ажратиш мумкинлиги тўғрисидаги қарашлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Уларнинг фикрига кўра, **моддий белги** содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфилик даражаси бўлиб, унга кўра хуқуқбузарликни жиноий, маъмурий ва бошқа турдаги хуқуқбузарликларга бўлиш мумкин. **Формал белгиларга** кўра жиноий қилмишнинг маъмурий хуқуқбузарлиқдан асосий фарқи ҳар иккала қилмишнинг хуқуққа хилоф характеристи ва жазога сазаворлигидадир.

Умуман олганда жиноятнинг маъмурий хуқуқбузарлиқдан асосий фарқи, ижтимоий хавфилиги ва хуқуққа хилофилигидадир. Бу ерда биринчи навбатда қилмишнинг жиноий ёки маъмурий эканлигини аниқлаш учун жамиятга етказилган заарнинг миқдорини аниқлаш лозим. Бундай ҳолатда содир этилган қилмиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган тақдиргина жиноят деб топилиши мумкин. Шу билан бирга жиноятнинг маъмурий хуқуқбузарлиқдан асосий фарқи унинг қилмишнинг характеристи, унинг содир этилиш усули келиб чиқсан оқибат (етказилган заарнинг миқдори), мотив, мақсад, айб шакли, хуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг хуқуқбузарлик оқибатида келиб чиқадиган хуқуқий мақомидадир.

Таҳлиллардан кузатиш мумкинки, хуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқишига масъул бўлган давлат органи мансабдор шахсининг асосий вазифаси ҳамда олдига қўйган мақсади ҳам маъмурий хуқуқбузарликни жиноятдан ва бошқа турдаги хуқуқбузарликлардан фарқлай олишидир. Чунки содир этилган қилмиш хоҳ маъмурий ёки бошқа турдаги хуқуқбузарлик бўлишидан қатъи назар, давлат, жамият ва фуқаролар ҳар хил даражада манфаатларига путур етказади. Ҳар қандай хуқуқбузарликнинг содир этилиши у ёки бу қонун нормалари талабларини бузилишига олиб келади. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, амалий органларда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторлари баъзан таркибида жиноят аломатлари бўлган ишга оид хужжатларни маъмурий хуқуқбузарлик деб баҳолайдилар ёки аксинча. Бунга бир қатор объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлмоқда.

Ҳар қандай хуқуқбузарлик маъмурий ёки жиноий бўлмасин ўз белгилари ва таркибий элементлари билан фарқланади. Шахснинг содир этган ҳаракатларида мазкур белгилар бўлиши зарурийдир. Масалага янада аниқлик киритиш учун айрим мисолларни келтириб

ўтиш жоиздир. Масалан, бошқа шахсларга нисбатан ҳақоратомуз ҳаракатларда ифодаланган шахснинг ҳаракатларини майда безорилик деб эътироф этиш учун содир этилган жой муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг зарурий белгиси – унинг қаерда содир этилганлигидадир. Агарда мазкур турдаги ҳуқуқбузарлик жамоат жойида содир этилмаган бўлса, МЖтКнинг 183-моддаси билан эмас, 41-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Бундан ташқари, МЖтКнинг 192-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тунда, яъни соат 23:00дан 06:00га қадар содир этилган бўлиши лозим. Агар мазкур ҳуқуқбузарлик соат 06:00 дан 23:00 га қадар содир этилган бўлса, ушбу ҳуқуқбузарликнинг таркиби вужудга келмайди.

Профилактика инспекторлари фаолиятида учрайдиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар худди жиноят каби айбнинг икки хил шаклида яъни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган хулқ-автор бўлиб, унинг натижасида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатлари-га жисмоний, моддий ёки маънавий зарар етказилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-15-моддалирига мувофиқ, маъмурий қонунчиликда назарда тутилган шахснинг қилмишида маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби барча алломатларининг мавжудлиги профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бундан кўриниб турибдики, маъмурий қонунчиликда кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий жавобгарликка тортишнинг норматив асоси ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари ҳар доим маъмурий ҳуқуқбузарликнинг қўйидаги асосий белгиларини ёдда тутиши лозим:

1) ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (*содир этилган қилмишининг ҳуқуқ-қа хилофлиги ҳамда тажсовузнинг шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга қаратилганлиги*);

2) айборлик (*қилмишининг қасд (эгри ёки тўғри қасд) ёки эҳтиётсизликдан (ўз ўзига ишониши ёки бепарволик) содир этилиши*);

3) субъект (*маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшига тўлган, ақли расо (МЖтК 20-м.), жисмоний шахс (МЖтК 13-м.) назарда тутилади.*)

4) жавобгарликка тортиш (*маъмурий қонунчиликда содир этилган қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги*).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик одатда қасд ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади. Шунга кўра, ҳар бир профилактика инспектори қилмишнинг қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигини аниқ-

лашга эътибор қаратиши лозим. Чунки профилактика инспектори содир этилган қилмишга ҳуқуқий баҳо беришда ҳуқуқбузарликнинг қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигини аниқлаши муҳим. Чунончи, шахс томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ қилмишда қасднинг мавжудлиги қилмишга нисбатан оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқаради, аксинча эҳтиётсизлик натижасида содир этилган қилмишга нисбатан қонунда белгиланган енгилроқ жавобгарлик назарда тутилади.

Бунинг учун профилактика инспекторлари содир этилган қилмишда қасд ёки эҳтиётсизлик белгиларини фарқлаши лозим.

Профилактика инспектори Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 11-моддасига асосан қуйидаги белгиларга кўра шахс томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни қасдан содир этилган деб баҳолайди:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билиши;
- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг заарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлиши (*Масалан, МЖтКнинг 183-моддасида белгиланган майда безорилик ёки 47⁵-моддасида белгиланган ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлиги*).

Худди шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 12-моддасига асосан қуйидаги ҳолларда шахс томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизликдан содир этилган деб баҳоланиши мумкин:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги заарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса;
- ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса (*Масалан, МЖтКнинг 52-моддаси 1-қисмида белгиланган ҳуқуқбузарлик*).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишда профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти билан боғлиқ масалага аниқлик киритиши муҳим. Чунки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда шахснинг ёши 16га тўлмаган бўлса, у ҳуқуқбузарлик субъекти бўлолмайди ҳамда бундай ҳолат жавобгарликни истисно этади. Шунингдек, маъмурий

хуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши айни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Шунинг учун профилактика инспекторлари маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахснинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддаси талабларига эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир. Унга кўра, шахс маъмурий хуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, профилактика инспекторининг томонидан хуқуқбузарлик содир этган шахснинг ёшига доир маълумотларни аниқлаши ушбу ишни тааллуқлилиги бўйича юбориш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Масалан, профилактика инспекторлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14-моддасига асосан маъмурий хуқуқбузарлик содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўллаш мақсадида тегишли ҳужжатларни тўплайди ва ушбу комиссияларга тақдим этиши мумкин.

Вояга етмаган шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61, 116¹, 116², 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135¹, 136, 138, 183, 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликларни содир этган тақдирда умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Содир этилган хуқуқбузарлик хусусиятини ва хуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда вояга етмаганларга нисбатан (МЖтКнинг 194-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин. Профилактика инспекторлари хизмат фаолияти давомида МЖтКнинг 61-моддасида назарда тутилган оз миқдорда талон-торож қилиш хуқуқбузарлигини содир этган вояга етмаган шахсларни аниқлаган тақдирда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, идоралараро комиссияга тақдим этиши шарт.

Қўйидагиларни маъмурий хуқуқбузарликнинг маҳсус субъектлари сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ (чунки улар тўғрисидаги маълумотлар ушбу субъектлар томонидан содир этилган хуқуқбузарликнинг квалификацияси учун муҳимдир):

- ақли норасо шахслар (*бундай тоифа шахслар маъмурий жавобгарликка тортилмайди*);
- мансабдор шахслар (*МЖтКнинг 15-моддаси*);
- ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахслар (*МЖтКнинг 16-моддаси, бу тоифа шахслар маъмурий*

ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиши, балиқ тутиши ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоқча олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмас. Агар бундай тоифадаги шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этсалар ҳарбий комендантурага топшириши учун профилактика инспектори томонидан ушлаб турилиши мумкин);.

– ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (*МЖтК-нинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортимишлиари назарда тутилган*);

– иммунитетга эга бўлган шахслар (уларга нисбатан *МЖтКниг Ўзбекистон Республикаси қатнашичи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади*).

Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида (18-модда.) шахс ҳуқуқбузарликни **зарурӣ мудофаа** (*Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳуҷижатларда назарда тутилган*, лекин зарурӣ мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофаалувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини гайриҳуқуқий тажсовузлардан шундай тажсовуз қилаётган шахсга зарар етказиши йўли билан ҳимоя қилиши вақтида, башарти бунда зарурӣ мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.), **(19-модда) охирги зарурат** (*Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ёки бошқа норматив ҳуҷижатларда назарда тутилган ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган*, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганде камроқ бўлса, бартараф этиши учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди), шунингдек **(20-модда.) ақли норасолик** (*гайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган*

шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас) ҳолатида содир этганилигига эътибор қартиши лозимдир.

Шахснинг ақли норасолик, зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатида ҳуқуқбузарлик содир этиши маъмурий жавобгарликни истисно этади.

Бундан ташқари, профилактика инспектори (21-модда.) шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли уни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш уни тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Махсус қисми моддаларининг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хulosага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани судга юборади.

Профилактика инспекторлари МЖТКнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарликка доир нормалари($10\text{-}21^1$ -моддалари) нинг мазмун ва моҳиятини билиши ҳамда амалда қўллай олиши лозим.

2. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий жазога доир нормаларни қўллаши

Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаши, ишни ҳар томонлама объектив қўриб чиқиши ва ҳал этиши мазкур соҳада қонун устуворлигининг таъминланишига нечоғлиқ боғлиқ. Шуни ҳам унутмаслик керакки, профилактика инспектори учун ҳудудда содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик юзасидан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифа бўлиши лозим.

Профилактика инспектори томонидан маъмурий жазо (22-модда) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу

хуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги хуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан (*МЖтК-нинг 23-моддаси*) қуидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус хуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш хуқуқидан, ов қилиш хуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоқقا олиш.

6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Жарима жазосидан ташқари барча маъмурий жазо чоралар фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

Профилактика инспектори маъмурий хуқуқбузарлик содир этишда айбор деб топилган шахсга нисбатан ўз ваколати доирасида жарима (25-модда) жазосини қўллаш хуқуқига эга. Жарима ваколатли давлат органлари, шунингдек профилактика инспектори томонидан ҳам қўлланиладиган жазо чораси бўлиб, маъмурий қонунчиликка асосан маъмурий хуқуқбузарлик содир этишда айбор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдан иборатdir.

Маъмурий жариманинг миқдори маъмурий хуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий хуқуқбузарлик учун эса бу хуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқаро ва хизматчиларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ошмаслиги керак. Баъзи ҳуқуқбузарликлар учун энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга – энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ошмаслиги керак.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазони Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (30-модда) ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўллайди. Жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айборлик даражаси, мулкий аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниши лозим.

Профилактика инспектори томонидан қўлланиладиган жариманинг миқдори ҳуқуқбузарликни содир этган субъектга хос белгиларга кўра фарқ қиласди. Хусусан, оддий фуқаролар ва мансабдор шахсларга солинадиган жарималарнинг миқдори бир-биридан фарқ қиласди.

Профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан солинадиган жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. *Масалан*, фуқаро Н. 2018 йилнинг 20 май куни МЖТКнинг 187-моддаси биринчи қисмида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган (*санкциясида энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисми миқдорида жарима солиш белгиланган*). Бироқ, ҳуқуқбузарлик юзасидан қарор қабул қилингунга қадар, яъни шу йил 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи ва пенсия миқдорини ошириш бўйича фармони қабул қилинди ҳамда энг кам иш ҳақи миқдори 146450 сўмдан 172446 сўмга оширилди. Мазкур ҳолат бўйича профилактика инспектори ҳуқуқбузарга нисбатан олдинги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқсан ҳолда 72 225 сўм миқдорида жарима белгилаши лозим.

Шунингдек, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. *Масалан*, фуқаро Р. 2018 йилнинг 1 май кунидан 2 июнь кунига қадар МЖТКнинг 223-мод-

дасининг биринчи қисмida белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиб келаётганлиги аниқланган. Бироқ, ҳуқуқбузарлик содир этиш бошланган вақтда энг кам иш ҳақи миқдори 146450 сўмни ташкил этган бўлиб, у аниқланган вақтда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи ва пенсия миқдорини ошириш бўйича янги фармони кучга кирган ҳамда энг кам иш ҳақи миқдори 172446 сўмни ташкил этган. Мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича профилактика инспектори ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этиш бошланган вақтдаги эмас, балки амалдаги фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан ҳамда ишнинг ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда 86223 сўмдан 517 338 сўм миқдоригача жарима белгилаши мумкин.

МЖтКнинг 248-моддаси иккинчи қисми 4-банди профилактика инспекторлари ваколатига тааллуқли бўлган моддаларнинг санкциясини таҳлил қиласиган бўлсак, фуқаролар ва мансабдор шахсларга солинадиган жариманинг энг кам ва энг кўп миқдорида тафовутни кузатиш мумкин.

Профилактика инспектори МЖтКнинг 248-моддаси иккинчи қисми 4-бандида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва ҳуқуқбузарга нисбатан қўйидаги миқдорда жарима (маъмурий) жазосини қўллашга ҳақлидирлар:

- жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш ҳуқуқбузарлиги (*МЖтКнинг 56¹-модда*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида;
- тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш ҳуқуқбузарлиги (*МЖтКнинг 122-модда*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида;
- транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш ҳуқуқбузарлиги (*МЖтКнинг 123-модда*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан, иккidan бир қисмигача миқдорда;
- транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлиги (*МЖтКнинг 127-модда*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида;
- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлиги (*МЖтКнинг 161-модда*) учун фуқароларга – энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки бараваригача миқдорда;

– жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш хукуқбузарлиги (*МЖтКнинг 187-модда*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида;

– майший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш хукуқбузарлиги (*МЖтКнинг 192-моддаси 1-қисми*) учун энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса – учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда; Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса (*МЖтКнинг 192-модда 2-қисми*,) фуқароларга – энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда;

– ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш хукуқбузарлиги (*МЖтКнинг 221-модда*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда;

– паспорт тизими қоидаларини бузиш хукуқбузарлиги (*МЖтКнинг 223-модда 1-қисми*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда; хукуқбузарлик (*МЖтКнинг 223-модда 2-қисми*) маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида, бошқа (*МЖтКнинг 223-моддаси 3-қисми*) қисми бўйича энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида;

– паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш хукуқбузарлиги (*МЖтКнинг 223¹-модда*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида;

– ишга қабул қилишда паспорт тизими қоидаларини бузиш хукуқбузарлиги (*МЖтКнинг 223²-модда*) мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда, ушбу модданинг 2-қисми бўйича мансабдор шахсларга энг кам иш ҳаққининг 20 бараваригача миқдорда;

– фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш хукуқбузарлиги (*МЖтКнинг 223³-модда*) учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда;

– чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш хукуқбузарлиги (*МЖтКнинг 224-моддаси 1-қисми*) учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда.

Кузатишлилар ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, профилактика инспектори томонидан фуқароларга нисбатан қўлланиладиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг 1/10 қисми миқдорида, энг кўп миқдори эса энг кам иш ҳақининг 10 бараварни ташкил этади. Худди шунингдек, мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг 1/2 қисми миқдорида, энг кўп миқдори эса энг кам иш ҳақининг 20 бараварни ташкил этади. Таҳлиллардан кузатиш мумкин, профилактика инспектори томонидан фуқароларга солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг 1/10 қисмидан 10 бараваригачани ташкил этади. Мансабдор шахсларга солинадиган жарима миқдори эса энг кам иш ҳақининг 1/2 қисмидан 20 бараваригачани ташкил этади.

Агарда ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ҳаракатида (33-модда) енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш асослари мавжуд бўлса, профилактика инспектори жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда жарима қўлламасдан туриб, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

Профилактика инспекторлари бир шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлигини аниқлаган тақдирда маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўллайди (33-модда).

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган мансабдор шахси, хусусан профилактика инспектори томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил мансабдор шахс, хусусан профилактика инспектори ёки суд кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкий зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган мансабдор шахс, хусусан профилактика инспектори жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир,

маъмурий суд эса бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қиласеради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, соғлифи, эркинлиги, қадр-қиммати эканлиги тўғрисидаги принцип Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай экан, бу конституциявий талабни ҳаётга татбиқ этиш учун жамиятдаги салбий иллатларга қарши комплекс равишда кураш олиб бориш лозим. Зоро, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг бош мақсадларидан бири инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали муҳофаза этилишини таъминлашдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича чиқарилган қарорларни ижро этиш ҳам иш юритишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қиласди. Маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қарорларни ижро этмаганлик ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг самарасини пасайтиради, қонунийлик принципига путур етказади.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида келиб тушган мурожаатларни ҳар томонлама синчковлик билан пухта ўрганишлари ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлашлари бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Профилактика инспекторлари қайси турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан қандай белгилари билан фарқ қиласди?
3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда қайси турдаги маъмурий жазолар белгиланган?
4. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий жазога доир нормаларни қўллаши деганда нимани тушунасиз?
5. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий жавобгарликка доир нормаларни қўллаши деганда нимани тушунасиз?
6. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарликка доир нормаларни қўллаши деганда нимани тушунасиз?

З-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЎРИТИШ ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИГА ДОИР НОРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Маъруза режаси:

1. Маъмурий хуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (mansabdor shaxslar) ва ишларнинг тааллуқлилигига доир нормаларнинг мазмуни ҳамда уларни қўллаш тартиби бўйича умумий тушунчалар.
2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиши фаолиятида маъмурий хуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларнинг тааллуқлилигига доир нормаларни қўллаши

1. Маъмурий хуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (mansabdor shaxslar) ва ишларнинг тааллуқлилигига доир нормаларнинг мазмуни ҳамда уларни қўллаш тартиби бўйича умумий тушунчалар

Маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритища энг муҳим вазифаларидан бири бу содир этилган маъмурий хуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва уни ҳал қилиш ваколати қайси органга тааллуқлилигини аниқлашдир. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекснинг бир қатор нормалари маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларнинг тааллуқлигини белгилаб беради. Хусусан: Маъмурий хуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар (mansabdor shaxslar) Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодексда жами 34 та бўлиб, кодекснинг учинчи бўлимидаги 242–268²-моддаларида белгиланган қўйилган¹.

Маъмурий хуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар (mansabdor shaxslar) қўйидагилардан иборат:

Маъмурий судлар (245-м.); Иқтисодий судлари (245¹-м.); Фуқаролик ишлари бўйича судлар (245⁴-м.); Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар (247-м.); Адлия органлари (245²-м.); Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий

¹ Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик: Маърузалар курси / Ў. Х. Мухамедов, Н. Т. Исломилов, Д. Д. Бабаев ва бошқ. – Т., 2015. – Б.87.

ижро бюроси органлари (245³-м.); Ички ишлар органлари (248-м.); Давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари (249-м.); Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари (249¹-м.); Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари (250-м.); Ҳаво транспорти органлари (251-м.); Сув транспорти органлари (252-м.); Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари (253-м.); Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари (254-м.); Мехнат бўйича давлат ҳуқуқий ва техник инспекторлари (255-м.); Мудофаа вазирлиги органлари (256-м.); Давлат санитария назорати органлари (257-м.); Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари (258-м.); Давлат ветеринария назорати органлари (259-м.); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилийда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари (260-м.); Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органлар (261-м.); Божхона органлари (262-м.); Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси органлари (263-м.); Давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураши департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари (264-м.); Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари (264¹-м.); Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари (265-м.); Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органлари (266-м.); Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари (266¹-м.); Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувлазорат» республика сув инспекцияси органлари (266²-м.); Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари (266³-м.); Давлат статистика органлари (267-м.); Давлат пробир назорати органлари (268-м.); Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш органлари (268¹-м.); Архитектура ва қурилиш органлари (268²-м.).

Тааллуқлиликни аниқлаш – бу органлар ўртасидаги ваколат доирасини чегаралаш бўлиб, ушбу тушунча Ўзбекистон Республикасида ҳар бир давлат муассасаси ёки жамоат ташкилоти ўзигагина тегишли бўлган масалаларни қўриб чиқиш ва ҳал этишга ҳақли эканлигини билдиради. Тааллуқлиликни аниқлаш ҳуқуқ доирасини белгилаш усули ҳамдир. Ҳуқуқ доирасига органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ваколатлари (ҳуқуқ ва бурчлари) киради.

Бунда орган (мансабдор шахс) қандай чоралар қўллашга ҳақли эканлигини белгилайди, тааллуқлилик эса ваколатлар доирасини ҳудуд ҳамда вақт бўйича аниқлаб беради. Масалан, ички ишлар органларининг бошлиғи кўпгина ғайриқонуний ишлар бўйича жарима солишга ҳақли (МЖТК 248-м.). Аммо оз миқдордаги талон-торож қилиш тўғрисидаги ишлар унга тааллуқли эмас, бу ишларни маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судлари судъялари қўриб чиқади.

Тааллуқлилик нормалари текширув босқичида маъмурий ҳуқуқ-бузарлик тўғрисидаги ишлар ким томонидан текширилишини, баённомани тузишга ким ҳақли эканлигини белгилайди. Қарорларни қайта қўриб чиқиш босқичида эса, тушган шикоятларни кимга юбориш масаласи норматив тартибга солинади, яъни қарорни қайта қўриб чиқишга ким ҳақли эканлиги ҳал этилади¹.

Тааллуқлиликни аниқлаш ишни қўриб чиқиш босқичида алоҳида аҳамият касб этади. Бунда ишни ҳал этишга, жарима солишга ҳақли бўлган органларнинг кўпчилиги, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг хилма-хиллиги тааллуқлилик масаласини аниқ ҳал этиш имконини бермайди.

Маъмурий судлар томонидан қўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 242-моддасига мувофиқ маъмурий, хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга ваколат берилган. Маъмурий судлар Ўзбекистон Республикаси МЖТК-нинг 245-моддасига асосан 190 дан ортиқ моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни қўриб чиқиш ваколатига эга. Маъмурий судлар асосан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни қўриб чиқадилар. Маъмурий судлар ҳуқуқбузарлик ишларини қўриб чиқишда, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни маъмурий тартибда чиқариб

¹ **Маъмурий ҳуқуқ:** Дарслик / И. А. Хамедов ва Ў.Х. Мухамедов таҳрири остида. – Т., 2016. – Б. 405.

юбориш жазо чорасидан бошқа барча жазо чораларини қўллаши мумкин.

Шунингдек, маъмурий судлар томонидан асосан ижтимоий зарари юқори бўлган ҳуқуқбузарлик ишлари кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган заарнинг миқдоридан қатъи назар маъмурий судлар уни ҳал қиласди. Бошқа ваколатли органлар эса етказилган заарнинг миқдори энг кам иш ҳақидан ошмаса ҳал қиласди.

Маъмурий судлар, башарти ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам бевосита кўриб чиқадилар.

Иқтисодий судлари Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 245¹-моддасига асосан фақат МЖтКда белгиланган 4 та ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўради.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 245⁴-моддасига асосан 2 та модда бўйича, яъни фуқаролик ишларининг муҳокамаси чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган ҳолларда МЖтКнинг 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

3. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 247-моддасига асосан вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссияларининг маъмурий юрисдикцион фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги низом ва Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 247-моддасида белгиланган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар МЖтКнинг 29 та моддаси бўйича белгилаб кўйилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқадилар. Яъни, ушбу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар мазкур ишлар келиб тушган орган (профилактика инспектори) ишни шу комиссиялар қараб чиқиши учун топширган ҳоллардагина кўриб чиқадилар. Вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли МЖтКнинг 47-моддаси болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқбузарлигини ҳам кўриб чиқадилар.

Кўп ҳолларда судьялар ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш босқичини амалга оширадилар. Бироқ, профилактика инспекторлари кўриб чиқиш ваколатига кирмайдиган ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳуқуқбузарлик ишларини қўзғатиб, иш бўйича далили ашё ва ҳужжатларни тўплаб уларни кўриб чиқиш ваколатига эга органларга юборадилар. МЖТКда белгиланган айрим органларга фақат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш ваколати берилган бўлиб, улар тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиш ваколатига эга органларга юборади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар қаторида маъмурий судлар ваколати доираси кенг бўлган энг кўп ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқадиган орган ҳисобланади.

2. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилигига доир нормаларни қўллаши

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти маъмурий қонун нормалари ҳамда тегишли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган маъмурий процесснинг бир туридир.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 248-моддасига асосан ички ишлар органлари 48 та модда бўйича ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқадилар ва жазо қўллайдилар. Ички ишлар идоралари ходимлари фақат маъмурий жарима жазоси белгиланган ҳуқуқбузарлик ишларни кўриб чиқади.

Ички ишлар идоралари томонидан кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликлардан 33 таси транспорт, йўл хўжалиги, алоқа соҳасидаги; 1 таси аҳоли соғлиғига тажовуз қилиш соҳасидаги; 1 таси ободонлаштириш соҳасидаги; 3 таси жамоат тартибига тажовуз қилувчи, 10 таси бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлардир.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишида энг муҳим вазифаларидан бири ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати қайси органларга тааллуқлилигини аниқлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли 248-моддаси 2-қисми 4-бандида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлигини белгилаб берилган. Унга кўра профилактика инспекторларига жами 13 турдаги, хусусан кодексда белгиланган жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (56¹-модда.) транспортда белгиланмаган жойларда чекиш (122-м.); транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориши (123-м.); транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (мақсадсиз овозли сигнал бериш қисмида) (127-м.); шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (фуқароларга нисбатан) (161-м.); жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш (187-м.1-к.); майший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш (192-м.); ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш (221-м.); паспорт тизими қоидаларини бузиш (223-м.1-к.); Паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш, (223¹-модда.), Ишга қабул қилишда паспорт тизими қоидаларини бузиш, (223²-модда). Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишида олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш (2233-модда.), чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш (224-м.1-к.) билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқли бўлиб, ушбу ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиб, жазо қўллайдилар.

Профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликлардан 1 таси аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар 1 таси ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, 2 таси жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар 3 таси транспорт, йўл хўжалиги, алоқа соҳасидаги; 6 таси бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлардир.

Профилактика инспектори ўзининг маъмурий ҳудудида содир этилган ҳар қандай турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ишни қачон, қаерда ҳамда қайси орган томонидан кўриб чиқиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши лозим. Чунончи, ҳар бир орган ўзига берилган ваколатлар (ҳуқуқ ва бурчлари) доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва қонунга мувофиқ тегишли чораларни қўллаши шарт. Масалан, ички ишлар органларига, шунингдек профилактика инспекторларига ҳам кўпгина (*МЖтК*)

248-м.) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича жарима солиш ваколати берилган бўлсада оз микдордаги талон-торож қилиш (*МЖтК* 61-м.) билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий судлар кўриб чиқади.

Шунга кўра, аввало профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш босқичида ишнинг ким томонидан текширилишини, баённомани тузиш ҳамда иш юзасидан қарор қабул қилишга ким ҳақли эканлигини аниқлаш орқали тааллуқлилик масаласини аниқ ҳал этиши керак.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасида тааллуқлиликни *предметли, ҳудудий ва иккиламчи (муқобил) ҳудудий тааллуқлилик* турларига ажратилади.

Предметли (ҳуқуқбузарлик турлари бўйича) *тааллуқлилик* профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 242-моддасидан 268²-моддасига қадар белгилаб қўйилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган органларга топшириш масаласини қонуний ҳал этиши тушунилади. Масалан, 248-модда ички ишлар органларига, 245-моддада маъмурий судларга тааллуқли ишларни белгилайди. Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан предметли тааллуқлиликни аниқлашда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тоифаси (турлари)дир. ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, ҳуқуқбузарларнинг ёши каби қўшимча белгилардан фойдаланилади. (масалан, паспорт тизими қоидаларини бузишга доир ишларни ички ишлар органлари, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга оид ишларни эса вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларро комиссиялар кўриб чиқади)¹.

Муаммоли ҳолат: Фуқаро Н. исмли шахс жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги учун ҳудуд профилактика инспектори томонидан МЖтКнинг 187-моддасига асосан жавобгарликка тортиш мақсадида маъмурий баённома расмийлаштирилди. Мазкур ҳолатдан фуқаро Н. исмли шахс норози бўлиб, ҳеч қандай айбизз эканлигини эътироф этди.

Савол: Мазкур ҳолатда ҳудуд профилактика инспектори қандай йўл тутиши лозим?

Жавоб: Мазкур ҳолатда профилактика инспектори Н. исмли шахсга нисбатан тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва белги-

¹ **Маъмурий ҳуқуқ:** Дарслик / И. А. Хамедов ва Ў.Х. Мухамедов таҳрири остида. – Т., 2016. – Б. 407.

ланган тартибда маъмурий ишлар бўйича туман судига ишни кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Асос: МЖтКнинг 245-моддасига асосан агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий судлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам, худди шунингдек содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун ўзларига топширилган ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади.

Профилактика инспектори томонидан кўриб чиқиладиган ишларнинг турлари бўйича предметли тааллуқлиликнинг аниқ белгиланиши ҳудудий тааллуқлиликни аниқлаш учун дастлабки зарурий шартдир.

Худудий тааллуқлилик деганда профилактика инспектори томонидан муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қаерда кўриб кўрилиши, ишни кўриб чиқиш жойини ҳал этиши тушунилади (МЖтК 304-м.). Худудий тааллуқлиликнинг бош қоидаси ишнинг ҳуқуқбузарлик содир этилган жой бўйича кўрилишидир¹.

Муаммоли ҳолат: Сурхондарё вилоятдан келган Н. исмли шахсга нисбатан Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида ҳуқуқбузарлик содир этиб, жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат ўтаётган ички ишлар органлари профилактика инспекторининг қонуний талабларини бажармаганлиги учун керакли ҳужжатлар тузилади.

Савол: Мазкур ҳолат бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ким томонидан ва қаерда кўриб чиқилади?

Жавоб: Бунда ҳужжатларни аввало, предметли тааллуқлилик бўйича (МЖтК 245-м.) маъмурий суд кўриб чиқиши белгиланган. Сўнгра ишни ҳудудий тааллуқлилик бўйича Тошкент шаҳридаги тегишли туман маъмурий суди кўриб чиқади, чунки маъмурий хатти-ҳаракат шу ҳудудда содир этилган. Аммо маъмурий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ҳамма ишлар ҳам улар содир этиладиган жойда кўрила-вермайди. Бу умумий қоидаларда қатор истиснолар ҳам бор.

Вояга етмаганлар иши бўйича идораларро комиссияларга тааллуқли ишлар ҳуқуқбузарлик содир этилган жой бўйича эмас, балки жавобгарликка тортилаётган фуқаронинг яшаш жойи бўйича кўриб чиқилади.

Муаммоли ҳолат: Вояга етмаган 16 ёшли Н. исмли шахс майда безорилик хатти-ҳаракатини содир этди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳудуд

¹ **Маъмурий ҳуқуқ:** Дарслик / И. А. Хамедов ва Ў.Х. Мухамедов таҳрири остида. – Т., 2016. – Б. 407.

профилактика инспектори вояга етмаган Н. Исмли шахсни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасига асосан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириди ва предметли тааллуқлилик бўйича туман судига тақдим этди.

Савол: профилактика инспекторининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жавоб: профилактика инспектори лейтенант А. Жабборов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245, 247-моддалари талабларига асосан тўғри процессуал ҳаракатни амалга оширган. Чунки 247-моддада Кодекснинг 61, 116¹, 116², 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135¹, 136, 137, 138, 183, 185, 220, 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар мазкур ишлар келиб тушган орган (мансадор шахс) ишни шу комиссиялар қараб чиқиши учун топширган ҳоллардагина кўриб чиқадилар деган қоида мустаҳкамланган.

Айрим турдаги ишлар бўйича иккиламчи (муқобил) ҳудудий таалуқлилик белгиланган. Фуқароларга ўткир хонаки спиртли ичимликларни сотиш, рухсат этилмаган жамоат жойларида спиртли ичимликларни ичиш тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ёки айбдорнинг яшаш жойи бўйича кўриб чиқилади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, қадр-қиммати эканлиги тўғрисидаги тамойил Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай экан, бу конституциявий талабни ҳаётга татбиқ этиш учун жамиятдаги салбий иллатларга қарши комплекс равишда кураш олиб бориш лозим. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг бош мақсадларидан бири инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали муҳофаза этилишини таъминлашдир.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида келиб тушган мурожаатларни ҳар томонлама синчковлик билан пухта ўрганишлари ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлашлари бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколати бўлган органларни санаб беринг?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлигига доир нормалар мазмуни ҳамда уларни қўллаш тартибини тушунтиринг.
3. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлигига доир нормаларни қўллаш тартибини тушунтиринг.
4. Маъмурий ҳуқуқ соҳасида предметли тааллуқлилик деганда нимани тушунасиз?
5. Маъмурий ҳуқуқ соҳасида худудий тааллуқлилик деганда нимани тушунасиз?
6. Маъмурий ҳуқуқ соҳасида иккиламчи (муқобил) тааллуқлилик деганда нимани тушунасиз?

4-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЎРИТИШ ФАОЛИЯТИДА ИШЛАРНИ ЎРИТИШДА ҚАТНАШУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ДОИР НОРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Маъруза режаси:

1. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида қатнашувчи шахслар ҳамда уларни иштирокини таъминлаш асослари ва тартиби.
2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида ишларни юритишда қатнашувчи шахсларнинг хуқуқ ва бурчлари.

1. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида қатнашувчи шахслар ҳамда уларни иштирокини таъминлаш асослари ва тартиби

Профилактика инспекторлари таянч пункти ҳудудида содир этилган ҳар қандай хуқуқбузарлик ҳолати бўйича ишлар билан танишиб чиқиши, тегишлилиги бўйича юбориш ҳамда ўз ваколатига кирадиган барча ишлар юзасидан қарор қабул қилиш хуқуқига эгадир. Профилактика инспекторлари ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли давлат органининг мансабдор шахси сифатида маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш жараёнида қатнашувчи шахсларнинг хуқуқларини таъминлашлари ҳамда бурчларини адо этишлари лозимдир.

Мамлакатимизда маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишга ваколатли бўлган барча давлат органлари мансабдор шахслари, хусусан профилактика инспекторлари маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишда қатнашиши лозим шахсларнинг хуқуқ ва бурчлари ҳамда мажбуриятлари тегишли қонунлар билан кафолатланган. Маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахслар иштироки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекси ҳамда улар асосида қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган.

Профилактика инспекторларига маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекснинг 306-моддасига асосан маъмурий хуқуқбузарлик

тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилиш, ишни кўриб чиқишида қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттириш мажбурияти юклатилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида ишни кўриб чиқишида қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилиши, келтирилган далиллар ўрганилиши ва тушган илтимослар ҳал этилиши лозим. Ишни кўриб чиқишида прокурор қатнашган тақдирда унинг холосаси ўқиб эшиттирилади.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича фаолиятида қатнашувчи шахслар тоифаси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир қоидалар Ўзбекистон Республикаси МЖтК 22-бобининг 294-302–моддаларини қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларида профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар тоифалари белгиланган бўлиб, улар қўйидагилар:

- маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс (*МЖтКнинг 294-моддаси*);

- жабрланувчи (*МЖтКнинг 295-моддаси*);
- қонуний вакил (*МЖтКнинг 296-моддаси*);
- адвокат (*МЖтКнинг 297-моддаси*);
- гувоҳ (*МЖтКнинг 298-моддаси*);
- эксперт (*МЖтКнинг 299-моддаси*);
- Мутахассис(*МЖтКнинг 299²-моддаси*);
- таржимон (*МЖтКнинг 300-моддаси*).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган тоифалар профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш жараёнида қатнашиши мумкин. Профилактика инспекторлари қонунда белгиланган асосларга кўра қатнашувчи шахсларнинг иштирокисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларнинг кўриб чиқиши ва ҳал этиши мумкин.

Профилактика инспектори ўз ваколати доирасида маъмурий қонунчилик талабларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланаётган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий жавобгарликка тортиши мумкин.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс – бу ўзининг ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга зарар етказган шахсдир.

Профилактика инспектори томонидан қўриб чиқилаётган маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда маъмурый жавобгарликка тортилаётган шахслар иштирокининг таъминланиши, уларга тарбиявий таъсир самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Шахснинг содир этган ҳуқуқбузарлиги учун маъмурый қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш каби жазо чоралари кўллаш назарда тутилган бўлса, профилактика инспектори томонидан маъмурый ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга маъмурый ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш жараёнида қатнашиши шартлиги, шунингдек, қатнашишдан бўйин товлагани тақдирда у маъмурый суднинг ажримига биноан мажбуран олиб келиниши мумкинлиги тўғрисида тушунтирилади.

Муаммоли ҳолат:

Мирзо Улугбек туман ИИБ 106-сонли таянч пункти профилактика инспектори лейтенант А.С. Қодиров томонидан 2017 йилнинг 28 декабрь куни соат таҳминан 16:00ларда «Катта Қорасув» маҳалласида жойлашган 252-сонли мактабгача таълим муассасасининг олдида Қорасу-2 дахаси, 29 уй 56 хонадонда истиқомат қилувчи 1986 йилда туғилган Н.С. исмли шахс жамоат жойида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиб турганлиги аниқланди. Шундан сўнг, профилактика инспектори МЖтКнинг 187-моддасининг 1-қисмига асосан шахсни айбор деб топиб, унга нисбатан тегишли материалларни тўплаб, профилактик таъсир чораларини самарадорлигини ошириш, шунингдек келгусида бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ишни маҳалла фуқаролар йиғинида қўриб чиқилиши ҳақида ишда қатнашувчи барча шахсларга хабар берди. Бироқ ҳуқуқбузарлик содир этган Н.С. исмли шахс маъмурый ҳуқуқбузарлик иши қўриб чиқилаётган жойга келмади.

Савол: Профилактика инспекторининг хатти-ҳаракатини аниқланг.

Жавоб: Маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурый жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида қўриб чиқиласи. Мазкур шахсга ишни қўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни қўриб чиқишини кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек

МЖТК 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. (*МЖтКниг 294-м. 2-қ.*)

Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахслардан бири **жабрланувчи** бўлиб, у ҳуқуқбузар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик зарар қўрган шахсдир. Ҳуқуқбузар томонидан жабрланувчига етказилган зарар, маънавий (масалан, 41-моддада шахсни ҳақорат қилиш); жисмоний (масалан, 52-моддада енгил тан жароҳати етказиш); учинчидан, мулкий (масалан, бошқа шахсга тегишли автомашинани шикастлаш ва натижада йўл ҳаракати қоидаси бузилган) бўлиши мумкин.

Профилактика инспектори томонидан жабрланувчи кўриб чиқлаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан МЖТКниг 282-моддасига асосан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, профилактика инспектори жабрланувчининг қўрсатмалари ёрдамида аниқланган ўзига нисбатан заарнинг хусусияти ва ўлчами бу ҳуқуқбузарликнинг ўзини тавсифлаш ва ҳатто уни жиноят сифатида туркумлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти серқирра ва мураккаб жараёндир.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликни вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий касалликлари сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга ошиrolмайдиган шахс содир этганлигини аниқласа, бундай тоифа шахсларнинг **қонуний вакилига** хабар бериши ҳамда уларнинг ишда иштирок этишини тушунтириши зарур. Бундай тоифадаги маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар. (*МЖтК 296-м.*)

Қонуний вакил – қонун кучи билан бошқа фуқаролар: – ишга яроқсиз, чекланган равишда яроқли, шунингдек, ишга яроқли, аммо жисмоний ҳолатига кўра (*кексалик, касаллик, ногиронлик ва ҳоказоларга кўра*) ўз ҳуқуқ ва бурчларини шахсан амалга ошиrolмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ваколатли шахс ҳисобланади.

Муаммоли ҳолат:

Р. исмли вояга етмаган шахс томонидан содир этилган ҳуқукбузарлик иши юзасидан ушбу шахснинг тоғаси Н. исмли фуқаро таянч пунктига келиб ўзини танишириб, иш материаллари билан танишиб чиқишини сўради. Профилактика инспектори Н. исмли шахсдан «Қонуний вакиллик мақомини тасдиқловчи ҳужжат¹ини сўрайди. Бироқ Н. исмли шахс бундай ҳужжатга эга эмаслигини айтгандан сўнг профилактика инспектори унинг талабини рад этади.

Савол: Профилактика инспекторининг хатти-ҳаракатларини тўғрими?

Жавоб: профилактика инспекторининг Н. исмли шахсга иш материаллари билан танишиб чиқишини тўғри рад этган. Чунки, МЖТКнинг 294-моддасига асосан ҳуқукбузарга, 295-моддасига асосан жабрланувчига, 296-моддасига асосан қонуний вакилга, 297-моддасига асосан адвокатга иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳукуки берилган. МЖТКнинг 296-моддаси талаблари асосан вояга етмаган шахснинг ота-оналари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар қонуний вакил сифатида тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этган тақдирда ҳақлидирлар.

Профилактика инспектори қонуний вакилни бир пайтнинг ўзида кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқукбузарлик юзасидан МЖТКнинг 296-моддасига асосан гувоҳ сифатида ҳам сўроқ қилиниши мумкин.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқукбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахсни, хусусан жабрланувчи, қонуний вакил, ҳуқукбузарликнинг олдини олган, ҳуқукбузарни ушлаб келтирган ёки иш юзасидан иш юритишни таъминлаш чораларини кўрган бошқа шахслар иш юзасидан гувоҳ сифатида чақириши мумкин.

Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқукбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари, жумладан шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни куздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни мусодара қилиш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш ҳолатларида иштирок этаётган холис гувоҳлар ҳам гувоҳ сифатида жалб этилиши мумкин.

16 ёшга етмаган шахслар, фавқулодда ҳолатларда эса кичик ёшдагилар ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар, ўқитувчилар

¹ Изоҳ: Қонуний вакиллик мақомини тасдиқловчи ҳужжатлар сирасига паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, фарзандликка олиш ёки васийлик ва ҳомийликни ўрнатиш тўғрисида маҳаллий кенгаш ҳокимлигининг қарори киради.

хузурида гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин. Вояга етмаганларни, 16 ёшга тўлмаганларни чақириш уларнинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари орқали амалга оширилади.

Берилган гувоҳликни тўғри баҳолаш учун профилактика инспектори томонидан ота-оналар, тарбиячилар сўроқ қилинишлари мумкин.

Профилактика инспектори томонидан гувоҳ қаерга ва кимнинг хузурига, шунингдек, келадиган кун ва соати кўрсатилган чақириқ қоғози билан чақиртирилади, чақириқ қоғози гувоҳнинг имзоси билан у вақтинча уйда бўлмаса, оиласдаги катта ёшли аъзосига, иш жойидаги маъмуриятга, у яшаётган уй-жой органларига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига топширилади.

Эксперт – хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин. Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган профилактика инспектори томонидан маҳсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек, қасдан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

Мутахассис – далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

Таржимон – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган профилактика инспекторининг чақириғига (*расмий тарзда чақирув қоғози*) биноан, ҳозир бўлишга ва ўзига топширилган таржимани тўла-тўқис ҳамда аниқ бажаришга мажбур. Чакирив қоғозида таржима амалга оширилиши лозим бўлган иш, уни кўриб чиқиш вақти ва манзили кўрсатилади.

Профилактика инспекторлари томонидан оғзаки нутқни тушунмайдиган ёки яхши тушунмайдиган, шу тилда bemalol фикрини тушунтира олмайдиган, ўқий олмайдиган, у ёки бу атамаларни англашда қийналадиган шахслар иш юритаётган тилни билмаслиги

аниқланса, ундан қандай тилларни билиши ва қайси тилда кўрсатма беришини сўрайди. Таржимонлик вазифасини бажараётган шахс ишни кўриб чиқувчи шахс, адвокат, эксперт, гувоҳ ва ҳоказо бўлишга йўл қўйилмайди.

Профилактика инспектори таржимоннинг ишда қатнашиши тўғрисида маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада, башарти у ишни кўриб чиқишида қатнашса, иш бўйича чиқарилган қарорда ёзиб қўйиши лозим.

2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида ишларни юритишида қатнашувчи шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

Профилактика инспекторлари маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар талаблари доирасида келиб тушган мурожаатларни ҳар томонлама синчковлик билан пухта ўрганишлари ҳамда хуқуқбузарлик ишида қатнашиш лозим бўлган шахсларнинг иштирокини қонун талабларига мувофиқ таъминлашлари бу кундаги долзарб масалалардан биридир. Маъмурий хуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқишида қатнашиши лозим бўлган шахсларнинг иштироки кўриб чиқилаётган иш юзасидан қабул қилинаётган қарорниadolatli бўлишига хизмат қиласи. Чунки профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти жараёнида қатнашувчи шахсларнинг сўzlари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослари инобатга олинган холда хулоса қилинади.

Профилактика инспектори маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши жараёнида иштирокчиларга қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қиласи, ишда қатнашувчи шахсларга уларнинг қуидаги хуқуқ ва бурчларини таништиради:

Профилактика инспектори маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши жараёнида қатнашувчи этувчи энг асосий субъектлардан бири маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс бўлиб, унинг хуқуқ ва бурчлари МЖтКнинг 294-моддасида белгиланган.

Профилактика инспекторлари маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсни қуидаги хуқуқ ва бурчлари билан таништиради:

- иш материаллари билан танишиб чиқиши;

- изоҳлар бериш;
- далиллар келтириш;
- ўз илтимосини баён этиш;
- ишни қўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш;
- ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш;
- иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.

МЖтК 294-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари маъмурий жавобгарликка тортиладиган шахснинг процессуал ҳуқуқларини, учинчи қисми эса унинг процессуал мажбуриятини белгилайди. Бу бизнинг маъмурий судлов ишларимизни олиб бориш жараёнининг демократизмидан далолат беради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортилаётган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг процессуал тартибда тушунтирилишининг ўзига хос аҳамияти қуидагиларда намоён бўлади:

1) Жавобгарликка тортилувчи шахс, энг аввало, иш материаллари билан танишишга ҳаққи бор, бу эса, унга нима билан айбланаётганини, қандай далилларга асосланиб маъмурий жавобгарликка тортилаётганини, унинг фойдасини кўзловчи барча материаллар ишда юритилган-юритилмаганлигини ва ҳоказоларни билишга имкон беради, шунингдек жавобгарликка тортилаётган шахсга ўзининг бошқа процессуал ҳуқуқларидан тушунтириш бериш, далил келтириш ва илтимоснома баён этиш қоидларидан фойдаланиш ва бу билан иш материалларини зарурӣ ахборотлар, жумладан, шу шахснинг фойдасини кўзловчи маълумотлар билан бойитиш имконини беради.

Ушбу ҳуқуқлардан маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар иш юритишнинг исталган ёки бир қанча босқичларида фойдаланиши мумкин.

2) Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс деярли исталган вақтда адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Масалан, баённома тузилгандан кейин дарҳол юридик маслаҳатхонага бориши ва адвокат билан маслаҳатлашиши, ундан ёзма тушунтирув ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам сўраши мумкин. Адвокат ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб ишни қўриб чиқиш жараёнида қатнашиши мумкин.

3) Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсга ўз она тилида сўзлашга, агар у иш олиб борилаётган тилда сўзлашни билмаса, таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин.

4) Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг кўрилаётган иш бўйича чиқарилган қарори бўйича шикоят қилиш ҳуқуки 294-модда билан мустаҳкамланиши маъмурий юрисдикция жараёни қонунийлиги кафолатларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур модда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг иштирок этиши лозимлигини кўрсатади.

Профилактика инспектори томонидан ишнинг айнан шундай кўриб чиқилиши маъмурий жараённинг асослигини таъминлайди, ҳуқуқбузарга янада кучлироқ тарбиявий таъсир ўтказишга имкон беради, иш юзасидан кейинчалик тўғри қарор чиқаришда аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг ҳаммасини ойдинлаштиради. Бироқ, айrim пайтларда ўзига нисбатан материаллар тўпланган шахс у ёки бу сабаб билан ишни кўриб чиқилишида иштирок этишни истамайди ва унда қатнашмайди.

МЖТК 294-моддасини изоҳлашда, шунингдек, айrim маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганда (майда безорилик, йиғилиш, митинг, кўча юришлари ва намойишлар) иш кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқбузарни маъмурий ушлаб туришга йўл қўйилиши ишни кўриб чиқишида ҳуқуқбузарнинг қатнашишини автоматик тарзда кафолатлаши муҳим аҳамиятга эга.

Муаммоли ҳолат:

Мирзо Улуғбек туман ИИБ 106-таянч пункти профилактика инспектори лейтенант А.С. Қодировга 2017 йилнинг 28 декабрь куни соат таҳминан 15:30ларда Қорасу-2 даҳаси, 29 уй 56 хонадонда истиқомат қилувчи миллати тоҷик, 1988 йилда туғилган М.К. исмли фуқаро мурожаат қилиб шу куни соат таҳминан 16:00ларда «Катта Қорасув» маҳалласида жойлашган «Деҳқон бозори» ёнида унинг вояга етмаган фарзанди 2003 йилда туғилган К.Н.ни Қорасу-2 даҳаси, 29 уй 55 хонадонда истиқомат қилувчи қўшниси 1986 йилда туғилган Н.С. исмли шахс жамоат жойида уятли сўзлар билан сўкганлигини таъкидлаб, унга нисбатан тегишли чора қўрилишини сўраган. Шундан сўнг профилактика инспектори воқеа жойига бориб ҳуқуқбузарлик содир этган Н.С. исмли шахсга нисбатан МЖТКнинг 183-моддасининг 1-қисмида белгиланган ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий йўл билан ушлаб туриш баённомасини тузди.

Савол:

- 1) Профилактика инспекторининг хатти-ҳаракати тўғрими?
- 2) Иш қаерда кўриб чиқилади?
- 3) Ишда қатнашиши лозим бўлган шахслар тоифасини аниқланг.

Жавоб: МЖтК 294-моддасини изоҳлашда, шунингдек, айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганда (майда безорилик, ииғилиш, митинг, кўча юришлари ва намойишлар) иш кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқбузарни маъмурий ушлаб туришга йўл қўйилиши ишни кўриб чиқишида ҳуқуқбузарнинг қатнашишини автоматик тарзда кафолатлаши муҳим аҳамиятга эга.

Ишда маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакил, адвокат, гувоҳ, таржимон қатнашиши лозим.

Профилактика инспектори жабрланувчидан тушунтириш хатини олиш жараёнида **жабрланувчининг** МЖтКнинг 295-модда иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқлари билан таништириши лозим.

Жабрланувчининг қўйидаги ҳуқуқлари қонун билан кафолатланади:

- ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқиш;
- кўрсатувлар бериш;
- далиллар келтириш;
- илтимослар қилиш;
- ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш;
- ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланиш;
- иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.

Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида қатнашаётган қонуний вакилга МЖтКнинг 296-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқлари билан таништириши лозим.

Қонуний вакиллар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- иш материаллари билан танишиш;
- манфаатларини ўzlари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилиш;
- иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.

Савол: профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда қатнашиш учун жалб этилган қонуний вакилга унинг ҳуқуқларини қандай таништиради?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг МЖтКга асосан қонуний вакилнинг ҳуқуқлари билан таништириш тартиби ва таништиришга масъул шахслар тоифаси 306-моддада аниқ келтирилган. Унга кўра ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган профилактика инспектори қонуний вакилни МЖтКнинг 296-моддасида назарда тутилган талаблар ҳамда ҳуқуқлари билан таништириши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб **адвокат** (МЖтКнинг 297-моддаси) қатнашиши мумкин.

МЖтКнинг 297-моддаси иккинчи қисми адвокатга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида қатнашувчи сифатида уни таклиф этган шахснинг топшириғига кўра иш материаллари билан танишиб чиқиш, унинг номидан илтимоснома баён этиш, иш бўйича чиқарилган қарор хусусида шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

Гувоҳ (МЖтК 298-м.). Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Профилактика инспекторининг чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

Гувоҳ ўзига маълум бўлган ҳамма ҳолатларни ҳаққоний айтиб бериши лозим, у олинган ахборотлар манбаини, бу ҳолатлар ҳақида кўрган ёки эшитган шахсларни, у ёки бу маълумотлар олинган тегишли ҳужжатларни кўрсатиши керак.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишида гувоҳ кўрсатма беришни рад этгани ёки бўйин товлагани ва сохта кўрсатма бергани учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди.

Эксперт: (*МЖтК 299-м.*) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансадбор шахс) рухсати билан ишни кўриб чиқишида ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга экспертиза предметига оид саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни қўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишида иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганилиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хulosса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансадор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: ўзига тақдим этилган текшириш обьектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хulosса бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансадор шахснинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хulosани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш обьектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибга риоя қилиши шарт.

Экспертнинг ёки эксперталар комиссиясининг хulosаси (МЖтК 299-м.). Эксперт ёки эксперталар комиссияси эксперт текширувларини ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд эксперталар комиссияси таркибига киравчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хulosса тузади.

Хulosса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансадор шахс) учун мажбурий эмас, бироқ унинг хulosага қўшилмаслиги асослантирилган бўлиши керак.

Агар эксперт қўйилган саволларни унинг маҳсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш обьектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хulosса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қиласа, у хulosса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган хужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган органга (мансадор шахсга) юборади.

Мутахассис (МЖтК 299¹-м.). Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан қўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш

мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин эмас.

Мутахассис: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг текшириш мавзусига доир материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва ўрганиш объектларини тақдим этиш тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) рухсати билан ишни кўриб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабралнувчига, гувоҳларга текшириш мавзусига тааллуқли саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз маслаҳатлари (тушунтиришлари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишида иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш баённомасига киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдириш; агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, она тилида маслаҳат бериш ва тушунтиришларини баён қилиш ҳамда бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу мутахассиснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузса, мазкур органнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахассис: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига кўйилган масалалар юзасидан асосли ва холисона маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан келиши; ўтказилган текшириш хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган маслаҳатларни (тушунтиришларни) тушунтириб бериш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; текшириш ўтказилиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектларининг ва иш материалларининг бут сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибга риоя этиши шарт.

Мутахассиснинг барча юзага келган масалалар бўйича маслаҳатлари судга ёзма шаклда тақдим этилиши керак, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўриб чиқилаётгандан мутахассис томонидан берилган тушунтиришлар эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқиш баённомасига киритилади.

Таржимон (МЖтК 300-м.). маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга унга берилган ҳукуқлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашга, иш материаллари билан танишишга, илтимоснома баён этишга ва ҳоказоларга даъват этилган (МЖтК 294-м.).

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинганлигини ўзига хос аҳамиятга эгадир. Профилактика инспектори мазкур фаолиятни амалга ошириш жараёнида қатнашувчи шахсларнинг ҳукуқларини таъминлаш ҳамда мажбуриятларини адо этишлари устидан қонун устуворлигини таъминлашга масъул бўлган ваколатли мансабдор шахслардан бири ҳисобланади. Қонунийликни таъминлаш профилактика инспектори томонидан мазкур йўналишдаги фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маъмурий жавобгарлик» тўғрисидаги кодекси ҳамда улар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга амал қилинишини назарда тутади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида кимлар қатнашади?
2. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида қатнашувчи шахсларнинг иштирокини таъминлаш асослари ва тартибини тушунтиринг.
3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини санаб беринг.
4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини санаб беринг?
5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи қонуний вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини санаб беринг.
6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қандай?

5-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ, ЮРИТИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИ

Маъруза режаси:

1. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш фаолияти тушунчаси ва аҳамияти
2. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш фаолиятини ташкил этиш

1. Профилактика инспекторлари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш фаолияти

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш фаолияти маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг муҳим ва энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун, профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш фаолиятида энг аввало маъмурий ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва содир этилган бу турдаги ғайрихуқуқий қилмишни аниқлашга эътибор қаратиши муҳимдир. Дарҳақиқат, ушбу фаолиятни самардорлигини ошириш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, қуидагиларда намоён бўлади:

- маъмурий ҳудудда ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминланишига хизмат қилади;
- давлат, жамият ва инсон фаровонлиги таъминлайди;
- давлат ва жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкчиликни, табиий муҳитни турли ғайрихуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилади;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини таъминлайди;
- содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқарарлигини таъминлашга хизмат қилади;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг барвақт олдини олишни назарда тутади;
- фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуларига риоя этиш руҳида тарбиялади.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур юридик ҳужжатларда маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг асосий вазифалардан бири ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни сабаб-шароитларини бартараф этиш, шунингдек 10-моддасида ички ишлар органларига ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан профилактик таъсир чораларини амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланган. Бундан ташқари соғлиқни сақлаш органлари ва таълим муассасалари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик фактлари тўғрисида хабар бериш бўйича мажбуриятлари белгилаб берилган.

Фуқароларнинг давлат органлари, ташкилотларга ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва фактлари тўғрисида хабар бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни билан белгиланган бўлиб, ушбу қонуннинг 6-моддасига асосан юқоридаги субъектларга ички ишлар органларини – ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласлар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар тўғрисида, шунингдек вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган ота-оналар ва ўзга шахслар ҳақида хабардор қилиш мажбурияти белгиланган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлик бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 36/18/49/56-сонли қўшма қарори ҳам ўз аҳамиятига эга.

Қўшма қарорда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, шунингдек давлат соғлиқни сақлаш тизими ни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлик бошқа ҳолатларни аниқлаш тартиби белгиланган.

Кўшма қарорда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ва давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларига муайян ҳолатлар бўйича ички ишлар органларига ёхуд худудий профилактика инспекторига хабар бериш мажбурияти юкланган. Бундан ташқари, ушбу органлар ва муассасалар нималар асосида ҳуқуқбузарликлар факлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаши, аниқланган ҳолатлар бўйича хабар бериш тартиби, усул ва воситалари ҳақидаги масалалар ўз ўрнини топган.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли нормалари бевосита профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, иш юритиш ва кўриб чиқиш бўйича фаолиятини белгилаб беради.

Ички ишлар идоралари профилактика хизматининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти бир қатор қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида комплекс тарзда тартибга солинади. Шу боисдан, мазкур йўналишдаги фаолиятни тартибга соловчи ҳуқуқий асосларни ўрганиш жараёнига ҳам комплекс ёндашиш талаб этилади. Акс ҳолда Конституциямизда белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш имкониятини чегараланиши мумкин. Бошқача айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиша тўлиқсизлик, айrim муаммо ва камчиликларнинг юзага келиш эҳтимоли кучаяди.

Профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган маъмурий худудда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлашда бир қатор чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Хусусан: профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

– ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги 151-сонли буйруғи талаблари асосида маъмурий худудни ҳар куни профилактик кўздан кечириш, ҳамда йил давомида худуддаги барча тураржойлар (*хонадон, уй, хона ва бошқа объект*) га камида икки маротаба ташриф буюриш;

– маъмурий худудда ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар, жумладан интернет кафелар, тунги кўнгил очиш (дам олиш) жойлари, маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобга олинган, ов қуролига эга бўлган, ҳуқуқбузарлик содир

этишга мойил шахслар яшайдиган тураржойларни доимий равища назорат қилиш;

–хизмат қилаётган ҳудудидаги содир этилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бошқа маълумотларга эга бўлиш мақсадида фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, посбонлар имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда ахолини, унинг турмуш тарзини ўрганади, бу жараёнда ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ёки тезкор қизиқиш уйғотувчи маълумотларга эътибор қаратади;

– вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар таҳлилларидан келиб чиқиб, улар орасида «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир», «Ғамхўрлик» каби ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактик тадбирлари идоравий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқади ва амалга оширади;

– таълим муассасаларида билан ҳамкорликда вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқатворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва таклифларни кўриб чиқиш;

– вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабарларини ўрганади ва таҳлил қилиб боради;

– ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар тўғрисида юритувидаги иш материалларини кузатиш ва улар билан танишиб чиқиш;

– содир этилаётган алоҳида турдаги ҳуқуқбузарлик аниқлаш мақсадида криминоген ва «хавфли гурух»га мансуб шахслар кўпроқ тўпла-

надиган жойларда, тунги кўнгилочар муассасаларда, кафе, барларда, ресторон ва бошқа жойларда махсус (бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда) тадбирлар ўтказиш.

Юқоридагилардан келиб чиқсан холда таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлашда умумпрофилактик, махсус, якка тартибдаги, виктимологик, ҳамкорликдаги, ахборот билан ишлаш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек иш юритувдаги ҳужжатларни ҳамда ҳуқуқбузарликлар факлари тўғрисидаги келиб тушган хабарларни ўрганиш ва таҳлил қилишни самарали ташкил этиши лозим.

2. Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни юритиш ва қўриб чиқиши тартиби.

Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти – бу, профилактика инспекторининг қонунда белгиланган махсус ваколати доирасида маъмурий ҳудудда содир этилган ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат-сизлик)да маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари бор-йўқлигини аниқлаш, ҳуқуқбузар шахснинг айбдорлигини исботлаш учун далиллар тўплаш, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек ҳуқуқбузар шахснинг қилмишига яраша жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган маъмурий процессуал жараёнидир».

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиши фаолиятининг асосий вазифалари:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабабларини ва шартшароитларини аниқлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;
- фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиша қонун устунлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқиш вазифасини таҳлил қиласиган бўлсак, бу ҳуқуқбузарлик ишини тўғри кўриб чиқиш учун зарур бўлган барча ҳолатларни аниқлашни назарда тутади. Бундай ҳолатларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини аниқлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда шахснинг айборлик даражасини аниқлаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг маъмурий жавобгарликни вужудга келтиришини аниқлаш;
- мулкий зарар келтирилганлигини аниқлаш;
- маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаш;
- ҳуқуқбузар тўғрисидаги, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотларни аниқлаш;
- ишни тўхтатишга олиб келадиган ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаш ва бошқалар.

Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилаётганлигини аниқлаган тақдирда ғайриҳуқуқий қилмишни тўхтатишни талаб қиласди, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлайди, маъмурий ҳуқуқбузарлик гувоҳларини топиш, уларнинг кўрсатмаларни қайд этиш чораларини амалга оширади, иш бўйича аниқланиши керак бўлган ҳолатларни аниқлайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, профилактика инспектори томонидан шу маълумотларга асосланиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айборлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди. Ушбу маълумотлар қўйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хulosаси, ашёвий далиллар, ашёлар ва хужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, овозли ёзувлардан, видеоёзувлардан, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

Профилактика инспектори иш юритиш жараёнида аввало ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаши, унинг шахсига оид маълумотлар тўғрилигини (фуқаролик паспорти ёки манзил маълумотлар бюроси маълумотига кўра) текшириши шарт ва уларнинг ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Шахснинг хатти-ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда профилактика инспектори томонидан биринчи галда ушбу ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиши қайси орган мансабдор шахси ваколатига киришини аниқлаши лозим. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартибини белгиловчи меъёрий хужжатларида Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 280-моддаси талабларидан келиб чиқсан ҳолда белгилангандан маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома тузиш, дастлабки хужжатларни расмийлаштириш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 248-моддаси бўйича ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиши ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахсга юборади.

Ўз ваколатига кирадиган барча ҳуқуқбузарликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 280-моддаси асосида маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённомани тузади, зарурый ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси МЖтК 285-моддасида талаблари асосида иш юритишни таъминлаш чораларини, шу жумладан МЖтКнинг 286-моддасига мувофиқ ва қонун ҳужжатларида белгилангандан ваколатлар доирасида маъмурий йўл билан ушлаб туришни амалга оширади.

Профилактика инспекторлари МЖтКнинг қуйидаги моддаларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишида мазкур кўрсатилган хужжатларни тўпламасдан ва иш ҳужжатларига илова қиласдан маъмурий баённома расмийлаштиришлари мумкин:

56¹-модда. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш;

122-модда. Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш;

123-модда. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш;

127-модданинг 1-қисми. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш (мақсадсиз овозли сигнал беришга доир қисми);

161-модда. Шаҳарларни ва бошқа ахоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (фуқароларга нисбатан);

187-моддасининг 1-қисми. Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш;

192-модда. Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш;

221-модда. Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш;

223¹-модданинг 1-қисми. Паспорт тизими қоидаларини бузиш;

223¹-модда. Паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш;

223²-модда. Ишга қабул қилишда паспорт тизими қоидаларини бузиш;

223³-модда. Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равида олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш;

224-модда. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда (зарур ҳолларда) профилактика инспектори қўйидаги ҳужжатларни тўплайди:

ҳуқуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини;

ҳуқуқбузарликка оид далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳақида расмийлаштирилган баённомаларни;

ҳуқуқбузарлик бўйича аниқланган гувоҳлар билан сухбатлашиб, улардан олинган тушунтириш хатларини;

экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳамда экспертнинг хулосасини;

моддий заарар микдорини ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳақидаги ҳужжатларни;

ҳуқуқбузарни муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлигини текшириш ҳақидаги талабномани;

қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳолатига аниқлик киритишга доир бошқа ҳужжатларни.

Профилактика инспектори Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 248-моддаси 4-қисмida берилган ваколатлар доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишларни кўриб чиқади ва МЖтКнинг 25-моддасида белгиланган тартибда жарима жазосини қўллаш ваколатига эга.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан ҳужжатлар профилактика (катта)

инспектори томонидан расмийлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 14-моддасига асосан тегишли органга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖтК билан тақиқланган қилмишларни содир этган 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга юборилади.

Профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурӣ ҳудудда маъмурӣ ҳуқуқбузарлик содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикаси МЖтКда белгиланган ваколат доирасида умумий асосларда маъмурӣ жавобгарликка тортиш чораларини амалга оширади.

Маъмурӣ ҳуқуқбузарлик содир этган иммунитетга эга бўлган чет эл фуқаросига нисбатан МЖтКнинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Профилактика инспектори «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси талаблари асосида МЖтКнинг 203¹-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан маъмурӣ баённома расмийлаштириб, МЖтКнинг 245-моддасига биноан маъмурӣ ишларни кўриб чиқувчи суд органларига юборилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 8 июлдаги 202-сон қарорининг 5 ва 9-бандларига ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари»га мувофиқ шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишининг қоидаларини бузиш, мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни тутиш чораларини кўрмаганлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаб, МЖтКнинг 110-моддаси асосида ҳужжатлар расмийлаштирилади ва қонуний чора кўриш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ёки маъмурӣ ишларни кўриб чиқувчи суд органларига юборилади.

Маъмурӣ жазо қўлланаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда ҳуқуқбузарни маъмурӣ жавобгарликдан озод қилиш ёки енгилроқ маъмурӣ жазо чорасини қўллаш тўғрисида МЖтКнинг

308¹-моддаси талаблари асосида тақдимнома маъмурий ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга суд органига юборилади.

Агарда битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Ҳуқуқбузар томонидан бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлиб, бу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансадор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс МЖтКнинг маҳсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансадор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг МЖтК нинг 313-моддасига биноан, ишни кўриб чиқувчи орган(мансадор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлагандан, бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига тақдим этади. Раҳбар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни тақдим этган органга (мансадор шахсга) кўрилган чора ҳақида маълум қилиши шарт.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Профилактика инспекторлари содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни қандай тартибда аниқлайди?
2. Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти деганда нимани тушунасиз.
3. Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишида нималарга эътибор қаратиши лозим?
4. Чет эл фуқаролари а фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги қандай тартибда амалга оширилади?
5. Вояга етмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги қандай тартибда амалга оширилади?
6. Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарликка тортиш ёши нечани ташкил этади?

6-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЙОРИТИШ ФАОЛИЯТИДА ИШЛАРНИ ЙОРИТИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ

Мавзу режаси:

1-савол. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларининг мақсади ва турлари.

2-савол. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашни ташкил этиш тартиби.

1. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашнинг мақсади ва турлари

Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш фаолияти бу бевосита маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш юзасидан қонунда белгиланган вазифаларни таъминлашга қаратилган бўлиб, улар ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун хужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш рухида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 285-моддаси (Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари)да: «Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахси аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини

кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади», деб кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан холда, профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан иш юритишни таъминлаш чоралари, хусусан ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни қўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари ва транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйиш кабиларни ўз ичига қамраб олади.

Амалда профилактика инспекторлари томонидан бу чораларни қўлланилиши шахснинг ҳуқуқлари чеклайди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 284-моддасида ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш, XXI боби тегишли моддаларида эса, шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни қўриқдан ўтказиш ашё ва ҳужжатларини кўздан кечириш ҳамда олиб қўйишга ижозат бериш ҳоллари ва тартиби батафсил тартибга солинади, уларни қўллашга ваколатли орган ва мансабдор шахслар кўрсатиб ўтилади, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатланади. 285-моддада маъмурий огоҳлантириш ва олдини олиш чораларини қўллашнинг умумий қоидлари, мақсад ва шартлари кўзда тутилган бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарларга бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлингандан кейин ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида баённома тузиш имкони бўлмаган тақдирда баённома тузиш мақсадида ёки агар ҳуқуқбузарда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса ёки ишларнинг ўз вақтида ва тўғри қўриб чиқилишини таъминлаш ва мана шундай ишлар бўйича чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида йўл қўйилади. Шу сабабли ҳам ушбу чоралар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишида қўлланиладиган «эҳтиёт чораси» ҳам деб юритилиши мумкин.

Эҳтиёт чоралари, агар у тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган бўлса, қўлланиши мумкин.

2. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашни ташкил этиш тартиби

Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари:

1. Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириши:

Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораси сифатида ҳуқуқбузарликни тўхтатиш ва ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш билан бирга зарур ҳолларда ҳуқуқбузарни ушлаб келтириши чораси ҳам қўлланилиши мумкин.

Профилактика инспектори Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 284-моддаси талабларига асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, ҳуқуқбузарни таянч пунктига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтириши мумкин. Профилактика инспектори томонидан таянч пунктида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни уч соатдан ортиқ ушлаб туриши мумкин эмас. Агарда ҳуқуқбузар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ушлаб келтирган бўлса, унда ушлаб туриш бир соатдан ошмаслиги лозим. Бундан ташқари, қонунда белгиланган бир неча ҳолларда давом этаётган ҳуқуқбузарликни тўхтатиш учун ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш, унинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишни ҳам назарда тутади.

2. «Маъмурий йўл билан ушлаб туриши»:

Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан *маъмурий йўл билан ушлаб туриши чорасини* Ўзбекистон Республикасининг МЖтК нинг 286, 287, 288-моддаларида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширади.

Профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан бошқа таъсир чоралари қўлланилиб бўлингандан кейин, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, тўхтатиш мақсадида маъмурий йўл билан ушлаб туриш қўлланилади.

Профилактика инспектори томонидан маъмурий йўл билан ушлаб туриш чораси шахснинг хатти-ҳаракатлари фақат ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Ҳуқуқбузарлик бўлмаса, ушлаб туришга йўл қўйилмайди. Жамоат жойларида бўлиши атрофдагиларга ва ўзлари учун ҳам хавф тугдирадиган руҳий bemорлар ва кичик болаларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш бундан мустасно.

Профилактика инспектори томонидан вояга етмаган шахс маъмурий йўл билан ушлаб турилган тақдирда, унинг ота-онаси ёки улар-

нинг ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилиши лозимдир.

Ушлаб турилганлар, агар ушлаб туриш зарурати қолмаган бўлса, яъни қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати тугаган ва МЖтК-нинг 276-моддасида назарда тутилган ҳолат мавжуд бўлса, ушлаб туришнинг белгиланган муддатидан олдин озод қилинадилар.

3. «Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни қўздан кечириш»:

Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни қўздан кечириш чораси профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг МЖтК нинг 289-моддаси талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Шахсни кўрикдан ўтказиш кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни қўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзиб кўйилади.

Профилактика инспектори томонидан шахсни кўрикдан ўтказиш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- шахс маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган пайтда ёки бевосита уни содир этгандан кейин ушлаб олинганда;
- фуқаролик кийимларида ёки унинг буюмларида турли излар кўринишида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлганда;
- гувоҳлар муайян шахсни ҳуқуқбузарликни содир этган деб аниқ кўрсатганда;
- техник назорат воситаси маълумотлари мавжуд бўлганда;
- кўрикдан ўтказиш ва қўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган бўлса.

4. Ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш:

Профилактика инспектори томонидан қўлланиладиган ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш маъмурий процессуал чораси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 290-моддаси талабларига мувофиқ «ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўрикдан ўтказиш ёки ашёларини қўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар бўлмиш ашё ва ҳужжатлар олиб қўйишдан иборатdir.

Ҳуқуқбузардан ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда профилактика инспектори бу хусусда баённома тузади ёки маъмурий

хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиши ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш хақидаги баённомаларга тегишли ёзув ёзиб қўяди.

5. Транспорт воситаларини ушлаб туриши ва кўриқдан ўтказиши:

Профилактика инспектори томонидан транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими келгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддаси талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Транспорт воситасини бошқаришдан четлатиши, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиши:

Профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказишнинг умумий тартиби Ўзбекистон Республикаси МЖтК нинг 292-моддаси (берилган бўлиб, унда «транспорт воситаларини бошқараётган мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши керак.

Ҳуқуқбузар текширишдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда икки гувоҳ ёки холис иштирокида маъмурий баённома тузилиб, у транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилади.

Маъмурий баённомада мастлик белгилари ва ҳуқуқбузарнинг текширишдан бўйин товлаш ҳаракатлари батафсил кўрсатилади.

Маъмурий баённомага ҳуқуқбузарнинг бўйин товлаш сабаблари ҳақидаги тушунтириш хати ва икки гувоҳ ёки холис иштирокида тузилган далолатнома илова қилинади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашга қаратилган чораларни қўллашда шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтиришлари ўзига хос аҳамиятга эгадир. Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашга қаратилган чораларни қўллаш ҳамда ушбу жараёнда қонун устуворлигини таъминлашга масъул бўлган ваколатли мансабдор шахслардан бири ҳисобланади. Қонуниийликни таъминлаш профилактика инспектори томонидан мазкур йўналишдаги фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Маъмурий жавобгарлик

түғрисидаги кодекс ҳамда улар асосида қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган талабларга амал қилинишини назарда тутади.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар талаблари доирасида келиб тушган мурожаатларни ҳар томонлама синчковлик билан пухта ўрганишлари ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлашлари бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш учун қандай чораларни қўллади?
2. Профилактика инспекторининг транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниqlаш учун текширувдан ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?
3. Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриши қандай тартибда амалга оширилади?
4. Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳуқуқбузарни шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириши қандай тартибда амалга оширилади?
5. Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳуқуқбузарни шахсдан ашёлар ва хужжатларни қандай тартибда олиб қўяди?
6. Профилактика инспектори транспорт воситасини тўхтатиши ва кўздан кечириши мумкинми?

7-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Мавзу режаси:

1-савол. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назорати тушунчаси.

2-савол. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назоратини амалга ошириш тартиби.

1. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назорати тушунчаси

Асосий қонунимиз – Конституциянинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинган холда барча давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари ва унинг мансабдор шахслари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳаттоқи оддий фуқаролар ҳам бирон бир фаолиятни амалга оширишда қонун ва бошқа ҳуқуқий нормалар талабларига қатъий амал қилишлари шартлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Бугунги кунда «Халққа хизмат қилишни ўз бурчи деб билган» профилактика инспектори ҳам давлат органи бўлмиш ички ишлар органларининг ваколатли мансабдор шахси сифатида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини амалга оширади ва бу жараёнда қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий хужжатлар талабларига қатъий амал қиласди. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар, шунингдек профилактика инспекторлари ҳам Конституция ва қонунларга риоя қилишлари ва ўз фаолиятларини мавжуд амалдаги қонунлар нормаларига мувофиқ амалга оширишлари устидан давлат бошқаруви назорати ўрнатилган.

Умуман олганда, давлат назоратининг бир қатор турлари мавжуд бўлиб, улар парламент, прокуратура (умумий ва маҳсус), маъмурий (умумий ва маҳсус) ёнғин, божхона, санитария, ветеринария назоратларига бўлинади. Бундан ташқари давлат органлари мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ҳам ўрнатилган.

«Назорат» бу – давлат бошқарув органларининг фаолиятидир. Қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш прокуратура органларининг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонунига асосан, прокуратура органлари барча давлат органлари, мансабдор шахслари ва фуқароларнинг қонун ва қонуности норматив-хуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўз фаолиятларини амалга оширишлари устидан умумий назорат олиб боради.

Профилактика инспекторининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятни амалга ошириш жараёнида қонун ва қонуности норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига амал қилишларини прокуратура органларининг прокурорлари томонидан назорат амалга оширилади. Прокурор назорати профилактика инспекторларининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини қонун талаблари асосида амалга ошириши билан бир қаторда, мазкур жараёнда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари рўёбга чиқарилиши, шунингдек маъмурий амалиёт фаолиятида қонун бузилиши ҳолатларини аниқлашга ҳам қаратилади. Профилактика инспекторларининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назоратининг амалга оширилиши мазкур фаолиятнинг ҳақиқий аҳволи, ушбу йўналишни тартибга соловчи қонунлар, қарорларда белгиланган талабларнинг ҳақиқатан ҳам амалиётда тўғри бажарилиш ҳолати, унинг даражаси қандайлиги тўғрисида ахборотга эга бўлинишини таъминлайди.

Прокурор профилактика инспекторининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятининг амалга ошириш жараёнини мунтазам равища кузатиш, текшириш, юритувдаги маъмурий хукуқбузарликларга оид иш ҳужжатлари ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш орқали назорат қилиб боради.

Профилактика инспекторларининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор томонидан амалга ошириладиган назоратнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

– профилактика инспекторларининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини тартибга соловчи Ўзбекистон

Республикасининг МЖтК ҳамда унинг асосида қабул қилинган ИИВнинг норматив-хуқуқий хужжатлари талаблари оғишмай амал қилиши ва маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан расмийлаштирилган хужжатларнинг мувофиқлиги;

– профилактика инспекторлари томонидан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилиши, шунингдек фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан қўриқланадиган хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг таъминланганлик даражаси;

– маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатларининг мавжудлиги;

– мазкур йўналишда қабул қилинаётган қарорларнинг профилактика инспекторлари томонидан ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлашнинг ахволи;

– маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятига оид бошқарув, ташкилий, амалий фаолиятнинг умумий даражасини ошириш;

– мавжуд камчиликларни ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш; –профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишида хизмат интизомини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш.

Профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назоратни бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принципларига таянади.

Прокурор профилактика инспекторларидан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш хужжатлари, материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишга ҳақли. Бундан ташқари тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратоётган сабаб ва шартшароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш профилактика инспекторлари учун мажбурийдир. Прокуратура органдари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, хужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

2. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назоратини амалга ошириш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 8-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш вақтида қонунийликни таъминлаш тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Мазкур қоида *биринчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмаслигини, *иккинчидан* маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилиши лозимлигини, учинчидан, профилактика инспекторлари маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколати доирасида қўллашини, *тўртинчидан*, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан мунтазам равиша назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланганлигини назарда тутади.

Дарҳақиқат, прокурор ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириш чоғида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тобелигидан, кимга қарашли эканлигидан ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмаларининг ҳудуди ва биноларига, шу жумладан ички ишлар органларининг бинолари ва, қолаверса, таянч пунктларига ҳам монеликсиз киришга ҳақлидирлар.

Прокурор таянч пунктига келганда хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини таништиргандан сўнг, профилактика инспекторларидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш жараёнида расмийлаштирилган ҳужжатлар ва бошқа ишга оид материаллар билан танишиб чиқиш учун талаб қилиб олишга ҳақлидир.

Профилактика инспекторлари прокурорнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш жараёнида расмийлаштирилган ҳужжатлар ва бошқа ишга оид материаллар билан танишиб чиқиш тўғрисидаги талабини бажаришга мажбурдир.

Прокурор профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган таъсир чораларини амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқлигини текширади.

Шу мақсадда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларнинг ҳаммасини қонунга мувофиқ равишда текшириш учун талаб қилиб олади ҳамда барча кўрсатилган материалларни текширади. Бундан ташқари, таянч пунктига маъмурий ҳуқуқбузарлик ишда қатнашувчи шахсларни, хусусан ҳуқуқбузарлик содир этган ва ундан жабрланган шахсларни, гувоҳлар ва холисларни, қонуний вакил ва бошқаларни чақиртириш ҳамда улардан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва ҳал этишда йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик муносабати билан сухбатлашиб, оғзаки ёки ёзма тушунтириш хати олади.

Бундан ташқари прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритиши, ишни кўриб чиқишида қатнашиши, илтимоснома билан чиқиши, ишни кўриб чиқиши пайтида юзага келадиган масалалар юзасидан хулоса ёзиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор ёки шикоят юзасидан қарорга эътиroz билдириш ҳуқуқига эга. Барча ҳолатларда ҳам прокурор фуқаро ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласи.

Прокурорнинг қонунда назарда тутилган бошқа ишларни амалга оширишга ҳаққи бор. Масалан, ички ишлар органларига ёхуд уларнинг раҳбарларига профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши фаолияти билан боғлиқ қонун бузилиш ҳолатларини, бузилиш сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тавсиянома киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонунига асосан, умумий назоратни амалга оширган прокурор қонуннинг 37-моддасига асосан протест келтириши, қарор чиқариши, тақдимнома киритиши, ариза ва огоҳлантирув каби ҳужжатларни тузиши мумкин.

Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонуннинг 38-моддасига асосан профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши фаолиятида расмийлаштирилган қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Агар, профилактика инспектори ўз ваколати доирасида кўриб чиқсан маъмурий ҳуқуқбузарлик иши юзасидан ноқонуний қарор қабул қилган бўлса, унга ҳам худди шундай тартибда прокурор томонидан протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бар-

тараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишининг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равища маълум қилинади.

Протест шу хужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу хужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонуннинг 39-моддасига асосан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш билан танишиб чиқиш жараёнида прокурор профилактика инспектори ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида профилактика инспектори томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида профилактика инспектори томонидан уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равища маълум қилиниши шарт.

Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонуннинг 40-моддасига асосан прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дархол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равища маълум қилиниши лозим.

Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонуннинг 42-моддасига асосан прокурор фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-харакатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳукуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида профилактика инспектори ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равища огоҳлантиради ҳамда ҳукуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг **197-моддасида** прокурор-нинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган: «Далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ва маълумотлар тақдим этишнинг текширишлар ва тафтишлар ўтказишни, мутахассислар ажратишни рад этишда, прокуратурага келишдан, қонунни бузганлик тўғрисида тушунтириш беришдан бўйин товлашда ифодаланган прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик, худди шунингдек прокурор фикри билдирилган ҳужжатларни кўриб чиқмаслик ёки уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик, шунингдек прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон бир таъсир кўрсатганлик, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

Юқоридаги қоидадан келиб чиқиб, профилактика инспектори иш юритувидаги маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ва у асосда тўпланган процессуал ҳужжатларни қонун талабларига муво-фик расмийлаштириши ҳамда прокурор талаби билан тақдим этиши шартдир.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти юнг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлиб, ушбу фаолиятни самарали ва тегишли қонун ҳамда қонуности норматив-хукуқий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг жамияти-миздаги барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳукуқларини, қонуний манфаатларини, мол-мулкларини турли хил жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлигини, шунингдек, ҳукуқбузарлик профилактикасини амалга ошириши асосий вазифалардан бири этиб белгилаб олинди.

Ҳукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва ташкил этишда, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятчиликка қарши курашишда профилактика инспекторининг давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлигини такомиллаштиришни ҳозирги ҳаётнинг ўзи ҳам тақозо этмоқда.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан назоратнинг қандай шакллари мавжуд?
2. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назоратни қандай тартибда амалга оширади?
3. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида прокурор иштирок этадими?
4. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида жамоатчилик назорати деганда нимани тушунасиз?
5. Профилактика инспекторининг маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида парламент назорати деганда нимани тушунасиз?

8-мавзу. МАЬМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҶАРОРНИ ИЖРО ЭТИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИШТИРОКИ

Маъруза режаси:

1. Профилактика инспекторларининг маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни умумий асослари ва талаблари.
2. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда профилактика инспекторларининг иштироки.

1. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни умумий асослари ва талаблари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсга нисбатан маъмурий қонунчилик нормаларига мувофиқ, ваколатли орган мансабдор шахси, хусусан, профилактика инспекторлари томонидан қўлланиладиган маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси сифатида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, унинг кўллашдан асосий мақсад, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишни таъминлаш ҳамда огоҳлантиришдан иборатdir.

Содир этилган ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик учун МЖТК-нинг 23-моддасида жарима, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш, муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) махрум этиш, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш каби жами 6 та маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бешинчи бўлими яъни, 325-348-моддаларида маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ижросининг мажбурийлиги, ижрога қаратиш, ижро этиш, ижрони кечиктириш, ижрони тугатиш, унинг муҳлати ҳамда ижроси билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш

тартиби ва асослари белгилаб қўйилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқиш ва ҳал қилишга ваколатли орган мансабдор шахслари томонидан чиқарилади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг бир қатор нормаларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қўриб чиқишга ва иш юзасидан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли орган (*mansabдор шахслар*)ларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларга тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар (*МЖтКнинг учинчи бўлимидағи жами 34 та, 242 – 268²-моддалари*) белгиланган қўйилган¹.

Ички ишлар органлари ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан қарор қабул қилиш ва уни ижрога қаратишга ваколатли орган бўлиб, ўз ваколатлари доирасида МЖтКнинг жами 48 моддасида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий жазо чорасини қўллайди ҳамда улар юзасидан чиқарилган қарорларни ижрога қаратади.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторлари ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан қарор қабул қилиш ва уни ижрога қаратишга ваколатли мансабдор шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 248-моддасининг 2-қисми 4-бандида белгиланган жами 13 та модда (*56¹, 122, 123-моддалари, 127-моддаси (мақсадсиз овозли сигнал беришга доир қисми), 161-моддаси (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисми, 192, 221-моддалари, 223-моддасининг биринчи қисми, 223¹, 223², 223³-моддалари, 224-моддасининг биринчи қисми*) бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан маъмурий жазо чорасини қўллайди ҳамда улар юзасидан чиқарилган қарорларни ижрога қаратади. Профилактика инспекторлари ваколатига тааллуқли ҳуқуқбузарликлар юзасидан МЖтКнинг 310-моддасида белгиланган талабларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиб, маъмурий жазо қўллаш ёки ишни юритишни тугатиш тўғрисида қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин.

Профилактика инспекторлари ўз ваколати доирасида қўриб чиқадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан фақат жарима тарикасидаги жазо чорасини қўллаш ваколатига эгадир. Профилактика инспектори томонидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги

¹ Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик: Маъruzalар курси / Ў. Х. Мухамедов, Н. Т. Исломов, Д. Д. Бабаев ва бошқ. – Т., 2015. – Б.187.

чиқарилган қарорни барча корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар ижро этишга мажбурдирлар (*МЖТКнинг 325-м*).

Бу норманинг мазмуни Ўз.Р.Конституциясида «**114-модда.** Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашималари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир», деб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 2001 йил 29 август қонунининг 5-моддасида ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари рўйхати берилган. Ушбу модданинг қўйидаги бандида: «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (mansabдор шахслар) чиқарган қарорлар» кўрсатиб ўтилган.

Профилактика инспекторлари маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни МЖТКнинг 326-моддаси талабларига мувофиқ ижрога қаратади. Мазкур нормага мувофиқ маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Бу қоида шикоят қилинмаган ёки протест билдирилмаган қарорларга, шунингдек, жойнинг ўзида ундириладиган жазонинг жарима кўринишидагиchorани қўлланиш хусусидаги қарорга тақлид қилинади.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорга шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда бу қарор берилган шикоят ёки билдирилган протест қаноатлантиришсиз қолдирилгандан кейин ижро этилиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш тўғрисидаги қарор бундан мустаснодир.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор уни чиқарган орган (mansabдор шахс) томонидан ижро этишга қаратилади.

2. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда профилактика инспекторларининг иштироки

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда профилактика инспекторларининг иштироки ўзига хос аҳамият касб этади. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик-

лар тўғрисидаги қарорларни қўйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ::

- *биринчи гуруҳга*, профилактика инспекторининг МЖтКнинг 242-268²-моддаларида белгиланган ваколатли органлар мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан чиқарилган қарорларни ижросини таъминлашдаги иштироки;
- *иккинчи гуруҳга*, профилактика инспекторининг бевосита ўз ваколати доирасида кўриб чиқиб маъмурий жазо қўллаш юзасидан чиқарган қарорларни ижросини таъминлаш фаолияти.

1. Ўзбекистон Республикасининг МЖтК нинг 327-моддасида маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш шартлари белгиланган бўлиб, унга қўра маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор мазкур кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар (mansabдор шахслар) томонидан ижро этилиши назарда тутилган. Мазкур органлар томонидан МЖтКнинг 23-моддасида белгиланган қўйидаги жазо чораларини қўллаш юзасидан қарор қабул қилиши мумкин:

- жарима;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- маъмурий қамоқقا олиш.

- чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Мазкур жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор уни қабул қилган ваколатли орган мансабдор шахси томонидан МЖтКнинг 327-моддаси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижрога қаратиша профилактика инспекторларининг роли муҳимдир. Профилактика инспекторларининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижросини таъминлашдаги иштирокини қўйидагилар билан асослаш мумкин:

- МЖтКнинг 336-моддасига асосан нарсани ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби белгилан-

ган бўлиб, ички ишлар органлари, хусусан профилактика инспекторлари ва жамоат тартибини сақлаш хизмати томонидан ҳам ижро этилади;

– МЖтКнинг 337-моддасига асосан нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби белгиланган. Унга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари томонидан ижро этилади. Мазкур турдаги маъмурий жазони ижросини амалга ошириш жараёнида профилактика инспекторлари салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида жамоат тартибини сақлашда иштирок этади;

– МЖтКнинг 340-моддасида маҳсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижро этувчи органлар белгилаб берилган бўлиб, унга кўра транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 248-моддасида кўрсатиб ўтилган ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади. Профилактика инспекторлари транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижросини таъминлашда иштирок этади. Бунда профилактика инспектори транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсни бу ҳуқуқдан фойдаланмаслигини ҳамда қарор талабларига тўлиқ амал қилишини назоратга олади.

– МЖтКнинг 345-моддасида маъмурий қамоқقا олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби белгиланган бўлиб, ушбу маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш ички ишлар органларига юклатилган. Профилактика инспектори маъмурий қамоқ қўлланилган шахсни ушбу жазони ижросини таъминлаш идорасига (конвой) кузатиб бориш ва топширишда иштирок этади;

– МЖтКнинг 346¹-моддасида чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорнинг ижросини амалга оширувчи органлар рўйхати белгиланган бўлиб, Кодекснинг 51², 51⁸, 51⁹, 56, 57, 58-моддаларида, 61¹-моддасининг биринчи қисмида, 94, 165¹, 184², 184³, 189, 189¹, 201, 202¹-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган тақдирда, ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Профилактика инспекторлари мазкур шахсларнинг маъмурий ҳудуддан чиқиб кетишларини назоратга олади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қабул қилинган қарор тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахснинг эътиборига етказади.

2. Профилактика инспекторлари ваколатли орган мансабдор шахси сифатида МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми, 4-бандида назарда тутилган ваколатига тааллуқли ҳуқуқбузарликларга оид ишлар юзасидан маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этилишини таъминлайди.

Агарда профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун шахсга жарима жазосини қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган бўлса, қарор қабул қилинган жойнинг ўзида ҳуқуқбузарга жаримани тўлаш тартиби тушунтирилади ҳамда маъмурий баённоманинг учинчи қисмини имзо орқали тақдим этилади ва белгиланган тартибда жаримани тўлаш учун квитанция берилади.

Профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарга жарима жазоси қўлланилгандан сўнг, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўлайди.

Профилактика инспектори томонидан тайинланадиган жарима жазосини қўллаш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равища бажаришнинг белгилаб қўйилган ўн беш кунлик муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равища ундириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ҳуқуқбузар жаримани ушбу МЖТКнинг 332-моддасида белгиланган муддат ичida тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Бундай ҳолатда профилактика инспектори ҳуқуқбузарга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий баённомани кузатув хати билан жаримани мажбурий тарзда ундириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман (шахар) бўлимларига юбориш чораларини кўради.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун МЖТКга мувофиқ ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин

бўлса, ҳуқуқбузардан унинг иши юзасидан қарор чиқарилгунга қадар овчилик билети олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёзиб қўйилади. МЖтКнинг 221-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, профилактика инспектори иш кўриб чиқилгунга қадар ўқотар қуролни, шунингдек ўқ-дориларни олиб қўйишга ҳақлидирлар, бу хусусда мазкур қуролнинг марка ёки модели, калибри, туркуми ва тартиб рақами, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

МЖтКнинг 334-моддасида жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби белгилаб берилган. Унга кўра, профилактика инспектори МЖтКнинг 283-моддасига мувофиқ (*агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътиroz билдиrmаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иши ҳақининг иккidan бир қисмидан ошмаса, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди*) жаримани маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойнинг ўзида ундириб олган тақдирда ҳуқуқбузарга қатъий молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланган белгиланган нусхадаги квитанция берилади.

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тўланмаса, ишни кўриб чиқиш ва қарорни ижро этиш МЖтКнинг 332 ва 333-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Профилактика инспекторлари МЖтКнинг 312-моддаси талабларига мувофиқ Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик юзасидан чиқарилган маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар, шунингдек ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият эътиборига етказиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни амалдаги қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширишлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур фаолиятни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб, унинг замирида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий мухитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш каби пировард мақсад ётади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Профилактика инспектори томонидан қўлланиладиган маъмурий жазо чоралари ва уларни қўллаш тартибини қандай?
2. Профилактика инспекторларининг маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш умумий асосларини тушунтириб беринг.
3. Профилактика инспекторларининг маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни умумий талабларини тушунтириб беринг.
4. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда профилактика инспекторларининг иштироки деганда нимани тушунасиз?
5. Профилактика инспекторларининг маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш фаолиятини неча гурухга бўлиб ўрганиш мумкин?

9-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ

Маъруза режаси:

1. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида хуқуқбузарликнинг содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни аниқлаш
2. Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома тушунчаси, уни киритиш асослари ва тартиби

1. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида хуқуқбузарликнинг содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг иккинчи йўналиши бўйича қонун устуворлигини таъминлашда хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани, шунингдек 2017 йилнинг 9 февралида ички ишлар органлари тизимида ўтказилган видеоселектор йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «тергов ва айглаш билан чекланмай, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилларни ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чукур таҳлил қилиш зарурлиги» таъкидланиб, ички ишлар органлари таркибий тузулмаларини оптималлаштириш, фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор вазифаларнинг қўйилиши ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолияти долзарб аҳамият касб этди.

2017 йил 14 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли Қарорнинг қабул қилиниши ушбу жараённи янада жадаллаштирди.

Республикадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳволи ўрганилганида, аҳоли, давлат органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ҳаттоки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятни фақат ички ишлар органлари, хусусан, унинг таркибидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан амалга ошириши лозимлигига доир бир ёқлама тасаввурнинг мавжудлиги, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси турларига доир профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг, шунингдек маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлилини олиб бориш ҳамда бартараф этишда бир қатор муаммолар мавжудлиги яққол кўзга ташланди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этилишини таъминлаш амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги»га бағишлиган XVIII бобда кўрсатиб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга субъектлар томонидан амалга оширилади.

МЖтКнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ички ишлар органларига тааллуқлилиги белгиланган 248-моддасининг 2-қисм 4-бандида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар худудий профилактика (катта) инспекторлари томонидан кўриб чиқилиб, кўриб чиқиш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланади ва бартараф этиш чоралари кўрилади.

Масалага криминологик нуқтаи назардан ёндашилса, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши шахсда шаклланган маънавий-рухий ҳолат (ғайриижтимоий хулқ-атвор)нинг ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келиши маълум бўлади. Бунда шахс онгода мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки жамиятга зид қарашлар ҳуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароит тариқасида ифодаланади.

Криминолог олимлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларига нисбий тушунчалар деб қаралади. Чунки ушбу

нисбийлик содир этилган ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган омилларнинг қайси бири сабаб ёки қайсилари шароит деб белгилашнинг мукаммал чегараси мавжуд эмаслиги, натижада уларни аниқлашда турли чалкашликларни келиб чиқишида намоён бўлади. Айнан шунинг учун ҳам олимлар бу икки тушунчани у «сабаб» ёки «шароит» бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг содир этилишини таъминловчи омиллардир, шу боис уларни комплекс тарзда ўрганишда битта криминоген «детерминант», яъни «ҳуқуқбузарликларнинг детерминантлари»¹ деб тушуниш керак деб ҳисоблашади.

Шу ўринда айтиш керакки, агарда ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи сабаб бўлса-ю, аммо шароит бўлмаса ёки аксинча шароит бор, сабаб йўқ бўлса, унда ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқбузарлик юз бермайди. Шу боис ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар сабаб ёки шароит бўлишидан қатъи назар улар бартараф этилишни бирдай талаб этади.

Криминологик адабиётларда ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шароитларининг асосий ва қўшимча, объектив ёки субъектив каби турлари ҳам мавжуд².

Бироқ олиб борилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида амалиёт органларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга панжа ортидан қараш сингари салбий одат шаклланганлиги ойдинлашади.

2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ички ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган Тошкент шахрида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароит ва бошқа омилларни чуқур илмий таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шахридаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими фаолияти ўрганилганида, жойларда биринчидан, ҳуқуқбузарликларга оид иш-

¹ Криминология: Дарслик / З. С. Зарипов, Ю. С. Пулатов, Г. А. Авансов ва бошқ.; проф. З. С. Зарипов таҳрири остида. – Т., 2006. – 474 б.

² Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул мухаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2015. – 94 б.

ларни юритиш жараёнида асосий эътибор исботлаш ва жавобгарлик масалаларига қаратилиб, натижада ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлашнинг эътибордан четда қолиб келаётганлиги;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш жараёнида объектив ва субъектив омилларга кўра ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш имконияти чегараланганлиги боис, аксарият ҳолларда сабаб ва шароитлар сифатида асосан маҳалла фаоллари томонидан тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги кабилар кўрсатилиб, киритилаётган тақдимномаларнинг «шаблон», яъни бир хил мазмунга эга бўлиб қолаётганлиги;

учинчидан, энг ачинарлиси маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш билан боғлиқ деярли барча ҳолатларда ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар аниқланмаётганлиги ва тақдимнома киритилмаётганлиги;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритиш деганда, асосан маъмурий ҳуқуқбузарликларни қўриб чиқиш ва жиноят ишларини юритиш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома (хусусий ажрим)лар киритиш тушунилиб келинаётганлиги (Ваҳоланки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритиш ваколатига эга ҳисобланадилар) каби ҳолатларнинг мавжудлиги кузатилди.

Бу эса амалиёт органлари ходимларида ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар нима мақсадларда аниқланиши ҳамда бу борада нималарга эътибор қаратилиши лозимлигига оид билим ва қўникмаларни шакллантиришни талаб этади.

Профилактика (катта) инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш қўйидаги мақсадларда амалга оширилиши керак:

1) аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари бошқа ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришини олдини олиш;

2) муайян ҳуқуқбузарликнинг аниқланган сабаб ва шароитларига ўхшаш омилларнинг бошқаларда ёки бошқа жойларда ҳам мавжудлигини аниқлаш, борди-ю аниқланса, унда уларни ҳуқуқбузарликлар содир этилмасидан илгари бартараф этиш чораларини кўриш;

3) ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштирилишини таъминлаш;

4) агарда ҳуқуқбузарлик содир этилишида айбли виктимлик, яъни жабрланувчининг салбий хулқ-атвори билан боғлиқ ҳолат мавжуд бўлса, унда жабрланувчига тарбиявий таъсир чораларини қўллаш қабилар.

Бу борада, профилактика (катта) инспекторларидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

биринчиси, ҳуқуқбузарнинг шахси (ижтимоий-демографик, маънавий-руҳий ва жиноий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгилари)га;

иккинчиси, ҳуқуқбузарнинг тарбияси, оиласидаги мұхит, эҳтиёжи, манфаатлари, мотиви, мақсади, ҳаётда танлаган йўли;

учинчиси, ҳукубузарлик содир этилган вақт, жой, шароит, содир этилиш усули, воситаси;

тўртинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда ҳуқуқбузарликни олдини олиш лозим бўлган субъектларнинг фаолияти;

бешинчиси, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг шахси (ижтимоий-демографик, маънавий-руҳий ва жиноий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгиси), айбли ёки айбсиз виктимлик ҳолати;

олтинчиси, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги алоқалар (яқин қариндош, қариндош, қуда-анд, қўшни, маҳалладош, ҳамкасб, синфдош, курсдош, таниш, нотаниш қабилар) ва муносабат (зиддиятли, адоватлашган қабилар);

еттингчиси, ота-онасининг илгари ҳуқуқбузарлик содир этган-этмаганлиги, содир этган бўлса, қайси турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганлиги қабиларга.

Профилактика (катта) инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлашга доир фаолиятини шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин:

биринчи гуруҳ, профилактика (катта) инспекторларига кўриб чиқиш ваколати берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлаш;

иккинчи гуруҳ, профилактика (катта) инспекторлари кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаган, аммо хизмат олиб бораётган маъмурий

худудда содир этилганлиги аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлаш.

Биринчи ҳолат бўйича, профилактика (катта) инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни юритиш ва кўриб чиқиш жараёнида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва далиллар йиғиши чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш масалаларига эътиборини қаратади. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга доир маълумотларни имкон қадар процессуал ҳужжатларда акс эттириши лозим ҳисобланади. Ҳаттоди, тегишли корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бу ҳақда маълумотлар сўраб олиши ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга доир маълумотларни аниқлаш мақсадида маъмурий процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин ҳисобланади.

Профилактика (катта) инспекторлари тўпланган маълумотларга асосланиб, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлари ҳақида якуний хулосага келади ва уларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномани расмийлаштириб, тегишли корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юбориш чораларини кўради.

Иккинчи ҳолатда, профилактика (катта) инспекторлари профилактика (катта) инспекторлари кўриб чиқиш ваколатига кирмаса-да, хизмат олиб бораётган маъмурий ҳудудда содир этилганлиги аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича дастлабки маълумотларни тўплаш ва кечиктириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатларни амалга ошириши зарур бўлган ҳолларда ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаби ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлашга доир чораларни кўради. Ушбу ҳолатда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга доир маълумотлар процессуал ҳужжатларда акс эттирилиши лозим.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш профилактика (катта) инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бироқ бунинг учун профилактика (катта) инспекторларидан махсус кримино-

логик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига доир билимлар ва юқори касбий маҳорат талаб этилади.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома тушунчаси, уни киритиш асослари ва тартиби

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик чоратадбирларни кўриш орқали амалга оширилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг самарадорлиги албатта, ҳуқуқбузарликлар, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг натижалари боғлиқ ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этишда мазкур сабаб ва шароитларни бартараф этиш юзасидан киритиладиган тақдимномаларнинг ўрни ва роли катта.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш мумкинлиги белгиланган. Мазкур тақдимномаларнинг бир нечта қонунларда кўрсатилиши уни турлича тушунилишига сабаб бўлиб, уларни таснифлашга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқармоқда.

Тақдимнома киритувчи субъектлар ва тақдимномалар мазмани бўйича уларни қўйидагича таснифлаш таклиф этилади:

1) прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар;

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар;

3) ҳуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар: (жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритиладиган тақдимномалар).

Прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар. 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 40-моддасига кўра, прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга

имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар ушбу субъектлар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилади. Бу борада «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласи. Қонуннинг 9-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимидан ўрин олган ҳар бир субъектга қонун чиқарувчи «хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш» ваколатини берган.

Хуқуқбузарлик ишиларини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси Жиноятпроцессуал кодексининг 6-бўлими ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196 ва 313-моддаларида ўз ифодасини топган.

МЖТКнинг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома» номли 313-моддасида ишни кўриб чиқувчи орган (mansabдор шахс) зиммасига маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдарига тақдимнома киритиши мажбурияти юклатилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиши сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиши тўғрисидаги тақдимнома – деганда, ўзида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг

сабаби ва содир этилишига имкон берәётган шарт-шароитни тавсиф-ловчи фактик маълумотларни ҳамда ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этиш чора-тадбирларини ифодаловчи, шунингдек тегишли корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маъмурий ҳуқуқбузарликнинг сабаби ва содир этилишига имкон берәётган шарт-шароитни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи процессуал хужжатдир.

Мавжуд тартиб тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан «тақдимнома талаблари билан танишиб чиқиш ва тегишли чоралар қўллаш ҳамда бу ҳакда тақдимнома юборган орган ёки мансабдор шахсга бир ой муддат ичида ёзма равища жавоб юбориши шарт»лигига оид талабни қўяди. Ушбу талаб бажарилмаган ҳолларда қонунда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.

Мансабдор шахснинг куйидагиларга йўл қўйиши жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлади:

- тақдимнома ёки хусусий ажрим талаблари бўйича зарур чораларни кўрмаслик ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишлилиги бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни хабардор қилмаслик;

- тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини вижданан бажармаслик, яъни кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида тегишлича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд хабардор қилинган бўлсада, амалда ҳеч қандай чора кўрилмаганлик ёки масалага юзакилик билан ёндашганлик.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда иккита бир-бирига ўхшаш профилактик чора-тадбир келтириб ўтилган. Улардан бири ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш» ҳамда яна бири ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг «Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берәётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш» чора-тадбирларидир.

Мазкур чора-тадбирларни бир-биридан фарқлаш ва амалиётда самарали қўллаш борасида айрим қийинчиликлар учраб туради . Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун уларнинг айрим жихатларига эътибор қаратиш лозим ҳисобланади.

Умуман олганда, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни бартараф этиш

тўғрисида тақдимнома ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилишдан мазмун ва шакл жиҳатдан қуидагиларга кўра фарқланади:

– «тақдимнома» муайян чоралар кўриш мажбуриятини юкласа, «хабардор қилиш»да огоҳликка, ҳушёрликка чақириш мақсади кўзланади ва профилактик таъсир кўрсатиш чораларини кўриш ёки кўрмаслик фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукмига ҳавола этилади. Бироқ ушбу вазиятда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масалага совуққонлик билан қарамаслиги ва уни эътиборсиз қолдирмаслиги лозим;

– «хабардор қилиш»да кўрилган чоралар ҳақида жавоб хати ёзиш талаб этилмайди;

– ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ҳақида-ги хабарнома уч йилгача маҳалла архивида сақланиши ва шу давр мобайнида сўралган жойга унга нисбатан тавсифнома беришда хабарнома мазмуни эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида берилган хабар орқали кенг жамоатчилик ўртасида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш эмас, балки ўша ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга якка тартибда профилактик таъсир кўрсатиш, у ҳақда маълумот ёки тавсифнома сўралган жойга унинг хулқи тўғрисида объектив маълумот бериш мақсади кўзланади. Айнан шунинг учун ҳам, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик чораси сифатида киритилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома тузилиши жиҳатдан, одатда, қуидаги уч қисмдан ташкил топади:

Биринчиси, кириш қисми. Ушбу қисмда тақдимнома қайси корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш организга киритилаётганлиги, тақдимномани киритувчи мансабдор шахснинг лавозими, унвони, исми, фамилияси, отасининг исми, юритувдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ёки юритишига асос бўлган ҳужжат (ёки юритилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг рақами) ўз ифодасини топмоғи лозим.

Иккинчиси, тавсиф ва асослантириш қисми. Мазкур қисмда авваламбор, маъмурий ҳуқуқбузарлик қачон, қаерда, кимлар томонидан, нима

учун, қайси усул ва шаклда содир этилганлиги, натижада қандай ҳуқуқий оқибат келиб чиққанлиги бўйича қилмишга тавсиф берилиб, ҳуқуқбузарнинг айборлиги эътироф этилади. Шундан сўнг, ҳуқуқбузарнинг айбни тасдиқловчи далиллар, сўнгра мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига туртки берган сабаблар ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни акс эттирувчи фактик маълумотлар келтириб ўтилади.

Учинчиси, тақдим қисми. Ушбу қисм тақдимноманинг сўнгги, якунловчи қисми бўлиб, унда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг аниқланган сабаби ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан кўрилиши лозим бўлган профилактик чора-тадбирлар тизими, тақдимномага бир ой муддат ичida жавоб қайтариш шартлиги, акс ҳолда МЖтКнинг 196-моддасида кўрсатилган маъмурий жавобгарликнинг келиб чиқиши қайд этилади ва тақдимнома киритаётган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Тақдимнома профилактика (катта) инспекторлари томонидан киритилганда ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланиши мумкин.

Амалиёт органларида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг келиб чиқишини аксарият ҳолларда тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки хусусий ажрим келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичida ёзма равишда жавоб хати юборилиши билан боғлаб тушунилаётганлиги кузатилади. Баъзида тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг амалда ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан айтарли ҳеч қандай профилактик чора-тадбирни амалга оширмасдан, тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга жавоб хати юбориш билан кифояланаётганлигини ҳам кўриш мумкин. Натижада, тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини бажариш масаласига юзаки ёндашиш келиб чиқмоқда.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берётган шарт-шароитларни бартараф этишга нисбатан бундай ёндашувнинг олдини олиш ҳамда корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида уларнинг бу каби хатти-ҳаракатларини ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берётган шарт-шароитларни бартараф этиш

юзасидан киритилган ёзма тақдимнома (хусусий ажрим) талабларини лозим даражада бажармаслик деб баҳолаш ҳамда ушбу қилмишга нисбатан ҳам жавобгарликни назарда тутиш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, тақдимнома киритиш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан профилактика (катта) инспекторларининг масъулиятини оширишга ҳам хизмат қиласи.

Шундай экан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни бартараф этиш механизмининг тўлиқ ишлашини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан ваколатли орган (мансадбор шахс) томонидан киритилган ёзма тақдимнома ёки суднинг хусусий ажрими таъсири самарадорлигини ошириш мақсадида биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни бартараф этишга доир ёзма тақдимнома (хусусий ажрим)лар киритиш ваколатига эга бўлган субъектлар ҳамда бу борада тузиладиган процессуал ҳужжатларнинг процессуал шакл доирасини кенгайтириш, иккинчидан, ушбу тақдимнома (хусусий ажрим)лар талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни сабаб ва шарт-шароити бартараф этилиши керак бўлган ҳуқуқбузарликнинг жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик эканлигидан келиб чиқсан ҳолда тоифалаштириш, учинчидан, уларнинг таъсири кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва тўртингидан, мазкур тақдимнома (хусусий ажрим)лар талабларини бажармаганлик билан бир қаторда лозим даражада бажармаганлик учун ҳам жавобгарликни белгилаш тақозо этилади.

Бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома киритиш амалиёти деярли кузатилмайди, киритилаётган тақдимномаларнинг эса ягона шакли мавжуд эмас. Шу боисдан, амалиётда айrim тақдимномаларни ўта саёз тайёрланиши ҳам кузатилади.

Шунинг учун, бу борада *авваламбор*, мутасадди мансабдор шахс (орган) томонидан киритиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимноманинг намунавий шаклини яратиш, иккинчидан, амалиёт органларида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритишга доир амалиётни шакллантириш; учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишга доир фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий механизмни жорий этиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилади.

Бу эса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва қонунни қўллаш амалиётида юзага келадиган айрим муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда 2017–2018 йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб, бир қатор янгидан-янги профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш ҳолатини, у содир этилган куннинг эртасига муҳокама қилишдан кўзланган асосий мақсад, ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудудда яшовчи аҳоли, шунингдек мутасадди шахсларнинг сергаклиги ва масъулиятини ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва шу орқали бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Ушбу тадбир ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида киритилган тақдимнома ижроси юзасидан амалга ошириладиган муҳокамадан фарқланади.

Ҳуқуқбузарлик, асосан, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилиш ҳолати, у содир этилган куннинг эртасига муҳокама қилинганида, муҳокама ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги маҳаллада, корхона, муассаса, ташкилотда тўпланган дастлабки маълумотларга асосланиб, ҳуқуқбузарликка оид ишни юритаётган ёки кўриб чиқишига қабул қилган орган ёки мансабдор шахс иштироқида кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниши лозим. Муҳокамада, ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий қилмиш нима учун айнан ушбу маҳалла ёки корхона, муассаса, ташкилотда содир этилгани, уни олдини олишга масъул бўлган шахслар фаолиятининг аҳволи каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тақдимноманинг муҳокамасида эса ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, усул, восита, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарлиқдан жабрланганинг шахси, улар ўртасидаги алоқа ва муносабат, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар каби масалалар муҳокама қилиниши ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ қарорлар қабул қилиш талаб этилади.

Ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш ҳолати бўйича у содир этилган куннинг эртасига амалга ошириладиган муҳокамаларни қўйидаги икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ саналади:

– аҳоли ёки кенг жамоатчилик ўртасида амалга ошириладиган муҳокамалар;

– ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий қилмишларнинг муҳокамаси шахснинг шаъни ва қадр-қимматига дахл қиласидиган ҳолларда, факат давлат органлари ёки хизматлари ходимлари, мутасадди шахслар иштирокида ўтказиладиган муҳокамалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муайян шахснинг соғлиги ёки ҳаётига хавф туғдириши, давлат сирининг ошкор бўлиши ёки ҳуқуқбузарликнинг очилиши ёхуд ҳуқуқбузар шахснинг қўлга олинишига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда муҳокама ўтказилишига асло йўл қўйилмаслиги лозим.

Хуллас, профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш фаолияти мураккаб, аммо энг муҳим фаолият йўналиши ҳисобланади. Бу борада, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишнинг роли катта.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар нималардан иборат?
2. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш тартиби қандай?
3. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш тартибини тушунтириб беринг.
4. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома киритиш тартибини тушунтиринг.
5. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома киритиш асосларини санаб беринг.

10-мавзу. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЙОРИТИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

Маъруза режаси:

1. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришнинг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари.
2. Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда тузиладиган ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни

1. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришнинг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари

Ҳаммангизга аёнки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ўтган даврда ушбу идораларнинг фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинди. **Халқ манфаатларига хизмат қилиш** улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди¹. Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз кураш олиб бориш, унинг барвақт профилактикасини амалга ошириш орқали ҳар қандай қонунга хилоф қилмишнинг содир этилишига йўл қўймаслик ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ҳалқ манфаатларига хизмат қилишнинг яққол ифодасидир десак, муболаға бўлмайди. Ушбу фаолиятни самарали ташкил этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлари ҳамда қонуний манфаатлари юксак даражада ҳимоя қилиниши таъминланади. Бунинг учун аввало, барча ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар, хусусан ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ўз фаолияtlари қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилган холда амалга оширишлари лозимдир.

Барчамизга маълумки, ички ишлар органларининг таянч пунктларида хизмат олиб бораётган профилактика инспекторлари маъмурий

¹ Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 08.12.2017).

хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда мазкур жараёнда тегишли процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришга ваколатли бўлган асосий субъектлардан биридир.

Профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда ҳужжатларни расмийлаштириш фаолияти ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, қуидагилар билан янада аниқлик киритиш мумкин:

– профилактика инспектори томонидан тузилаётган процессуал ҳужжатлар маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида ҳар бир хуқуқбузарлик билан боғлиқ ишнинг ҳолатига аниқлик киритишда ҳамда ишнинг ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишида аниқлаб чиқишида муҳим роль ўйнайди; *Масалан: Кўпгина ҳолатларда маъмурий хуқуқбузарликка оид ишлар кўриб чиқилиши давомида нафақат ҳуқуқбузарнинг балки жабрланувчиларнинг ҳам хатти-ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик фактлари унинг тушунтиришиларида ифодаланиши мумкин. Бу эса ҳар икки томонни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишига асос бўлиб хизмат қиласди.*

– бундан ташқари, ҳар бир ишнинг процессуал жиҳатдан расмийлаштирилиши унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этилишига хизмат қиласди. Бу эса ҳар бир процессуал ҳужжатни тузиш асослари ва тартиби қонун ва қонуности ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилганлигини билдиради. ҳаракат; *Масалан: маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома МЖтКнинг 279-моддаси асосан ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳуҗжатга асосан расмийлаштириласди.*

– содир этилган хуқуқбузарлик учун ваколатли орган томонидан чиқарилган қарорни ижрога қаратади ва таъминлайди. *Масалан: ҳуқуқбузарга жаримани тўлаш тартиби тушунтирилиб, маъмурий баённоманинг учинчи қисми унга имзо орқали тақдим этилгандан сўнг, ҳуқуқбузар жаримани белгиланган муддатда тўламаган тақдирда, профилактика инспектори томонидан маъмурий баённома кузатув хати билан жаримани мажбурий тарзда ундириши учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларига юбориласди.*

– Бундан ташқари, профилактика инспекторлари томонидан тўплланган маъмурий хуқуқбузарликларга оид иш материалларини кузатиш ва назорат қилиш орқали хуқуқбузарликнинг содир этиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мумкин. Бундай ҳолатда профилактика инспектори МЖтКнинг 313-моддаси талаблари мувофиқ хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимнома киритади.

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, шунингдек фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Бугунги кунда профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, бу бўйича бир қатор қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида ишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (*279-290 ва бошқа моддалари*) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғида назарда тутилган талабаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика инспекторларига Ўзбекистон Республикаси МЖтК нинг 248-моддаси иккинчи қисми 4-бандига асосан, қуидаги моддаларга доир ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари бўйича маъмурий иш юритишни амалга оширади ҳамда тегишли процессуал ҳужжатларни расмийлаштиради:

- 56¹-модда. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш;
- тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш (122-м.);
- транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш (123-м.);
- транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш (мақсадсиз овозли сигнал бериш қисмида) (127-м.);
- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (фуқароларга нисбатан) (161-м.);
- жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш (187-м.1-к.);
- майший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш (192-м.);
- ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш (221-м.);

- паспорт тизими қоидаларини бузиш (223-м. 1-қ.);
- паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш (223¹-м.);
- ишга қабул қилишда паспорт тизими қоидаларини бузиш (223²-м.);
- фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равища олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш (223³-м.);
- чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш (224-м.1-қ.).

Профилактика инспекторлари томонидан процессуал ҳаракатларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида хуқуқбузарлик содир этган шахсни ушлаб келтириш, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини талаб қилиш, мажбурлов чораларини қўллаш ва қонунга мувофиқ бошқа хатти-ҳаракатларни ҳам амалга ошириш хуқуқига эгадир. Ушбу хатти-ҳаракатларни Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг 16,17,18,21, 23,24-моддалари талаблари мувофиқ амалга оширилади.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 202-сон қарорининг 5 ва 9–бандлари ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Ахоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари»га мувофиқ шаҳарлар ва бошқа ахоли пунктларида ит ва мушук боқишининг қоидаларини бузиш, мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни тутиш чораларини кўрмаганлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар аниқланиб, МЖтКнинг 110-моддаси асосида ҳужжатлар расмийлаштирилади ва қонуний чора кўриш учун маъмурий судга юборилади.

Профилактика инспекторлари ҳар бир хуқуқбузарлик ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39–сон «Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида» қарорига мувофиқ маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш бўйича (ҳисобга олиш карточкалари, № 1-АП ва № 2-АП шакллари) белгиланган чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек хуқуқбузарнинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлигини текшириш мақсадида талабнома жўнатади ва жавобини иш ҳужжатларига қўшиб қўяди.

2. Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда тузиладиган хужжатлар ва уларнинг мазмуни

Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда тузиладиган хужжатлар мазмуни, процессуал жиҳатдан аҳамиятига кўра, бирқанча турларга бўлинади. Шулардан энг асосийлари: *маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги, маъмурий йўл билан ушлаб туриши, шахсни кўрикдан ўтказиши ва ашёларни кўздан кечириши баённомалари бўлиб, бевосита профилактика инспекторлари томонидан ҳам расмийлаштирилади.* Ишга оид бошқа хужжатлар эса зарур холларда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага илова қилиниши мумкин. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида ишга оид процессуал хужжатларни расмийлаштириш тартиби ва асослари тегишли қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган.

1. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштириши тартиби ва асослари:

Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилганлиги аниқланган тақдирда агар ишни кўриб чиқиши ўз ваколатига тааллуқли бўлса, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 279-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштирилади. Истисно тариқасида таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари ўз ваколатига кирмайдиган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан ҳам баённомаларни расмийлаштиришади. Бундай ҳолатларда, баённомага қонунда белгиланган тартибда бошқа хужжатларни ҳамда ишга оид ашё ва далилларни ҳам илова қилишлари мумкин.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан маъмурий баённомани ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотларни аниқлагандан сўнг расмийлаштиради. Бунинг учун ҳуқуқбузардан унинг шахсини тасдиқловчи хужжат (*паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ҳ.к.*)ларни талаб қилиб олади. Агарда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсда унинг кимлигини тасдиқловчи хужжат бўлмаса, унда профилактика инспектори манзил маълумотлар бюроси, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ёхуд навбатчилик қисмида агар мавжуд бўлса тегишли дастур орқали аниқлаш чораларини кўради.

Шуни унутмаслик лозимки, маъмурий баённомани расмийлаштириш жараёни ҳар бир профилактика инспекторидан ўта зийраклик

ва диққат-эътиборли бўлишни талаб этади. Чунки тартиб рақамга эга бўлган маъмурий баённома бланкалари Ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари махсус ходимлари томонидан кириш-чиқиш китобидан қайд этилиб тарқатилади. Шунинг учун уларни яроқсиз ҳолатга келтиришдан, шунингдек, ҳукуқбузар тўғрисидаги хато маълумотларни киритишдан холи бўлиш зарур.

Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан баённомани расмийлаштиришда ҳукуқбузарликликка оид қуйидаги (*реквизитларни тўлдириш*) маълумотларни аниқ ва тушунарли тарзда баённомага киритиши лозим:

- баённома тузилган сана ва жой;
- баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
- ҳукуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар;
- маъмурий ҳукуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳукуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳукуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив хужжат;
- агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари;
- ҳукуқбузарнинг тушунтириши; (*ҳукуқбузар томондан ёзилади*)
- маъмурий ҳукуқбузарлик юзасидан қабул қилинган қарор;
- ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳукуқбузарлик туфайли моддий зарап етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Маъмурий баённома уни тузган профилактика инспектори томонидан имзоланиши шарт. Шунингдек, маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган шахс томонидан, агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса – баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланиши лозим.

Агарда, ҳукуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортса, профилактика инспектори томонидан баённомага бу хақда ёзиб қўйилади. Ҳукуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир. Бунда гувоҳлар ёки холислар иштирокида далолатнома (ҳукуқбузарнинг содир этган ҳукуқбузарлик факти ва унинг маъмурий баённомага имзо қўйишдан бош тортиши ҳолати бўйича) тузилади ва маъмурий баённомага илова қилинади. Далолатнома илова қилинмаган маъмурий баённома тегишли тартибда расмийлаштирилмаган ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарга нисбатан баённомани тузиш вақтида унга МЖтКнинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда ушбу маъмурий иш қаерда ва тахминан қачон кўрилиши тушунтирилиб, бу ҳақда маъмурий баённомага ёзib қўйилади.

Агар маъмурий баённома тузиш, қўшимча ҳолатларни аниқлаш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда амалга ошириш имкони бўлмаса, профилактика инспектори ички ишлар органлари таянч пунктида ёки ички ишлар органларида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ҳужжатларни расмийлаштириши мумкин.

Маъмурий баённома уч қисмдан иборат бўлади ва профилактика инспектори томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, уч қисмга ажратилиб:

биринчи қисми тўлдирилгандан сўнг туман-шаҳар ИИБ ҲПБ-ларига бир сутка ичida топширилади ва бир йил давомида сақланади;

иккинчи қисми бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансадбор шахс)га юборилади;

профилактика инспекторлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида бевосита кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан расмийлаштирилган маъмурий баённомаларнинг иккинчи қисми МЖтК 305–моддасида кўрсатилган муддатларда жарима ундирилганлиги ҳақидаги квитанция билан бирга туман-шаҳар ИИБ ҲПБларга топширилади;

баённоманинг учинчи қисми маъмурий баённома тузилган вақтда ҳуқуқбузарга берилади.

Профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатлар уни кўриб чиқиш ваколатига эга органга юборилганда, ҳуқуқбузар ва иш қатнашчиларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тахминан кўриб чиқилиш вақти ва жойи ҳақида хабар берилади.

Ҳуқуқбузар жаримани 15 кунлик муддат ичida тўламаган тақдирда маъмурий баённома кузатув хати билан жаримани мажбурий тарзда ундириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларига юборилади.

Агарда содир этилган ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш профилактика инспекторининг ваколатига кирмаса, ҳуқуқбузарга нисбатан тузилган маъмурий баённома, унга илова қилинган бошқа ҳужжатлар

ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

Профилактика инспекторлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 282-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага қуидаги ҳужжатларни илова қилиши мумкин:

- 1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;
- 2) ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси;
- 3) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши;
- 4) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хulosаси, агар улар мавжуд бўлса;
- 5) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуидагилар илова қилинади:

- 1) жабрланувчининг аризаси;
- 2) судга қадар тиббий экспертиза тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва экспертларнинг хulosаси;
- 3) жиноят иши қўзғатиши рад этиш тўғрисидаги қарор.

2. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий йўл билан ушлаб туриши баённомасини расмийлаштириши тартиби ва асослари:

Профилактика инспектори МЖТКнинг 287-моддаси биринчи бандида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсни қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий йўл билан ушлаб туриши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан, МЖТКнинг 288-моддаси 3-бандида кўрсатилган ҳолларда эса йигирма тўрт соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Ҳуқуқбузар маъмурий йўл билан ушлаб турилганда, профилактика инспекторлари маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинма-

лари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғининг 6-иловасига мувофиқ баённома тузади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённомада баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган профилактика инспектори ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳакда ёзиб қўйилади.

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

3. Профилактика инспекторлари томонидан шахсни кўрикдан ўтказиши ва ашёларни кўздан кечириши баённомасини расмийлаштириши тартиби ва асослари:

Маъмурий йўл билан ушлаб турилган ҳуқуқбузар шахсан кўрикдан ўтказилиши, унинг ашёлари, транспорт воситалари кўздан кечирилиши ҳамда ашё ва хужжатлари олиб қўйилиши мумкин.

Ушланган шахс холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилиди ва бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғининг 7-иловасига мувофиқ шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш, ашёлар ва хужжатларни олиб қўйиш баённомаси тузилади.

Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш баённомаси икки қисмдан иборат бўлиб, *1-қисмда*: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; иштирок этган холислар ҳамда кўздан кечирилаётган шахс ҳақида маълумотлар; кўздан кечириш вақтида аниқланган ва сақлаш учун олинган нарса ва буюмлар ҳамда ўқиб эшилтирилганиги тўғрисида маълумотлар қайд этилади; *2-қисмда*: Кўздан кечириш вақтида олинган буюмларни сақлаб туриш учун ҳақида тилхат акс этган бўлади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришнинг аҳамияти ва ҳуқуқий асосларини санаб беринг?
2. Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда тузиладиган ҳужжатлар ва уларнинг мазмунини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ma'muriy huquq: Darslik / H.T. Odilqoriev, I. Ismailov, N.T. Ismailov va boshq. — T., 2010. — 640 b.
2. Исмаилов И., Зиёдуллаев М. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т., 2017. – 254 б.
3. Предупреждение преступлений и административных правонарушений: Учебное пособие / Иванова С.И. и др. – Тюмень, 2012. – 187 с.
4. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник. — Т.: УМЭД, ТГЮИ, 2012. — 592 с.
5. Хўжақулов С.Б. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма. – Т., 2017. – 148 б.
6. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, С.Б. Хўжақулов, А.А. Матчанов. – Т., 2017. – 128 б.

Кўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» 2014 йил 5 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 11 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида» 2014 йил 25 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида» 2016 йил 11 апрелдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида» 2015 йил 9 декабрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида» 2017 йил 7 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // URL: <http://www.lex.uz>.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // URL: <http://www.lex.uz>.
15. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – 304 б.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 176 б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – 440 б.
18. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – 488 б.
19. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – 104 б.
20. Ганиев Ш.А. Ахлоққа қарши хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2016. – 301 б.
21. Жаббарбергенов Р. Жазонинг профилактик функцияси ва уни амалга ошириш механизми: юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2004. – 172 б.
22. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2009. – 193 б.
23. Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2009. – 208 б.
24. Саттаров А.Х. Инсон хуқуқлари назарияси ва ички ишлар органлари фаолиятида инсон хуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2004. – 299 б.
25. Тургунов И.Т. Ички ишлар идоралари ходимларида инсон хуқуқлари маданиятини юксалтириш: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2017. – 283 б.
26. Кўчқорова Ф.Х. Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлигини бузишга оид хуқуқбузарликлар ва уларнинг олдини олиш йўллари: фалсафа фан. номз. ... дис. – Т., 2012. – 214 б.
27. Ганиев Ш.А. Ахлоққа қарши хуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалалари: Монография. — Т., 2016. — 116 б.

28. Ганиев Ш.А. Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар билан курашишнинг маъмурий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш: Монография. — Т., 2016. — 300 б.

29. Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2010 йил 30 апрель). — Т., 2010. — 432 б.

30. «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. — Т., 2011. — 336 б.

31. Мустаҳкам оила – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2012 йил 28 апрель). — Т., 2012. — 387 б.

32. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 12 март). — Т., 2015. — 252 б.

Интернет сайтлари:

1. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси).
2. <http://press-service.uz/uz> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти).
3. <http://natlib.uz> (Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси).
4. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).
5. <http://ziyonet.uz> (ZiyoNET таълим портали).
6. <http://utube.uz/ru> (Utube.uz таълим видеопортали).
7. <http://book.uz/> (Электрон адабиётлар кутубхонаси).
8. <http://www.xs.uz> («Халқ сўзи» газетаси).
9. <http://www.legislationonline.org/ru> (Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ).
10. <http://www.law.edu.ru> («Юридическая Россия» — федеральный правовой портал).
11. <https://elibrary.ru> (Научная электронная библиотека).
12. <http://lawtheses.com> (Библиотека юридических наук — авторефераты и диссертации по правоведению и юриспруденции).
13. <http://wikipedia.org> (Wikipedia очиқ энциклопедияси).
14. <http://www.uz> (Миллий қидирув тизими).
15. <http://www.google.ru> (Google қидирув тизими).
16. <http://www.yandex.ru> (Яндекс қидирув тизими).

МУНДАРИЖА

СҮЗ БОШИ3

1-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ КУРСИ. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти курсининг предмети, мақсади, вазифаси ва аҳамияти	6
2. Профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича фаолиятининг хуқуқий асослари	11

2-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК, МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАЗОГА ДОИР НОРМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

1. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлика доир нормаларни қўллаши.....	25
2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий жазога доир нормаларни қўллаши	32

3-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИГА ДОИР НОРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

1. Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколати бўлган органлар (мансадор шахслар) ва ишларнинг тааллуқлилигига доир нормаларнинг мазмуни ҳамда уларни қўллаш тартиби бўйича умумий тушунчалар	39
2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилигига доир нормаларни қўллаши	43

4-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИДА ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА ҚАТНАШУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ДОИР НОРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

1. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида қатнашувчи шахслар ҳамда уларни иштирокини таъминлаш асослари ва тартиби.....	49
2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида ишларни юритишида қатнашувчи шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари	55

**5-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ, ЮРИТИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ
ФАОЛИЯТИ**

1. Профилактика инспекторлари томонидан содир этилган маъмурий хуқуқбузарликларни аниқлаш фаолияти.....	63
2. Профилактика инспектори томонидан маъмурий хуқуқбузарликка доир ишларни юритиш ва кўриб чиқиш тартиби	67

**6-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИДА
ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ**

1. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашнинг мақсади ва турлари.....	73
2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашни ташкил этиш тартиби	74

**7-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

1. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назорати тушунчаси	79
2. Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назоратини амалга ошириш тартиби	82

**8-мавзу. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО
ЭТИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИШТИРОКИ**

1. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни умумий асослари ва талаблари	87
2. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда профилактика инспекторларининг иштироки.....	89

**9-мавзу. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-
ШАРОИТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ**

1. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши жараёнида хуқуқбузарликнинг содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни аниқлаш	95
2. Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома тушунчаси, уни киритиш асослари ва тартиби.....	101

10-мавзу. МАЬМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

1. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий хуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни юритишда процессуал хужжатларни расмийлаштиришнинг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари.....	109
2. Профилактика инспектори томонидан маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишда тузиладиган хужжатлар ва уларнинг мазмуни.....	113
Фойдаланилган адабиётлар	119

МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ:

Турсунов Ахтам Саломович

Алимов Бахром Фозилович

Бобоев Доnobек Давронович

Хужакулов Сиёвуши Бахтиярович

Саитқулов Қодирали Абдисалимович

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
ИШЛАРНИ ЎРИТИШ ФАОЛИЯТИ**

Maъruzalap kursi

Муҳаррир М. Султонова
Техник муҳаррир Д. Джалилов

Босишга рухсат этилди 13. 09. 2018 й. Нашриёт ҳисоб табаги 8,5.
Буюртма № . Адади 50 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.